



# MILLIY TIKLANISH

38 (99) 2010 йил 22 сентябрь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган  
www.milliytiklanish.uz



### Бахшичилик санъати

Тарих сахнида қорақалпоқ халқи қачон пайдо бўлган бўлса, унинг оғзаки ижоди ҳам ўша даврларда шаклланиб, ўзида халқимизнинг ўтмишдаги ҳаётини ҳамда миллатнинг руҳини акс эттирган. Бу бой мерос эса бахши ҳамда жировлар ижоди орқали бугунги кунимизгача етиб келган.

3-бет



### Улуғбек юлдузлари

Музей экспозициясида Мирзо Улуғбек ҳаёти билан боғлиқ маълумотлар компьютерга жойлаштирилди. Расадхона ҳудудида ўрнатилган замонавий чироклар мажмуани тунда ҳам нурга тўлдириб, жозибасини янада оширади. Янги музей экспозицияси замон талаблари асосида Ўзбекистон Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бадий академия томонидан яратилди.

6-бет



### Фарбий Нил вирусининг хавфи

Маълумотларга кўра, бугунги кунда фарбий Нил вирусига чалинганлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Мазкур касалликдан, айниқса, Россия, Греция, Туркия, Марокаш ва Жазоир аҳолиси кўпроқ азият чекаётир. Юқумли касаллик бошқа ҳудудларга тарқалиб кетмаслиги учун ушбу минтақаларда юқори малакали мутахассис-у шифокорлар фаолият олиб боришмоқда, тарғибот ишлари кучайтирилган.

7-бет

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи

Мухтарам раис жаноблари!  
Ҳурматли дўстлар!

Жаҳоннинг турли нуқталарида ҳамон давом этаётган урушлар ва қарама-қаршиликлар, сақланиб қолаётган давлатларро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, Мингйиллик ривожланиш декларациясида таъкидланганидек, қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемиялар ва инсониятнинг бошқа муаммоларига қарши кураш борасидаги энг жиддий тўсиқлар бўлиб қолимоқда. Ушбу ҳақиқатнинг тасдиғини 30 йилдан буён ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган жафоқаш Афғонистон мисолида кўришимиз мумкин. Бугун афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги янада аён бўлмоқда, коалиция кучларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танлаган стратегияси эса кутилган натижаларни бермапти. Муттасил давом этаётган уруш Афғонистон халқининг аҳолини тобора оғирлаштирмоқда ва муаммонини ҳал этишни янада қийинлаштирмоқда.

Ҳозирги вазиятда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўллари топиш гоёта муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўллардан бири, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон томонидан 2008 йилда тақлиф этилган БМТ шафеълигида 6+3 мулоқот гуруҳини ташкил қилиш муҳим роль ўйнаган бўлур эди. Ташаббусимизнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, афғонистонликлар ўз мамлакати муаммоларини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Афғонистонда урушнинг тугаши

ва унинг барқарор келажагидан манфаатдор мамлакатлар кўмағида ўзлари ҳал этишлари даркор.

Улар сирасига авваломбор, тинчлик ўрнатиш миссиясига дахлдор АҚШ, НАТО, Россия, шунингдек, Афғонистон билан бевосита қўшни мамлакатларни киритиш зарур. 6+3 мулоқот гуруҳининг энг муҳим мақсади – бир-бирига қарши қурашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини тақлиф этиш, мамлакатни пароканда қилаётган асосий муаммо ва зиддиятлар бўйича ўзаро мурося асосидаги ечимларни топиш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда зарур қафолатларни беришдан иборат.

Бу борада ушбу Дастурда иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий, инфратузилма ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли бандлиги муаммоларини, қашшоқлик, ҳуқуқсизликка қарши кураш бўйича энг долзарб вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилиши лозим. Афғонистон халқи амал қиладиган кўп асрлик анъаналар, урф-одатлар, ислом динининг қадриятлари тўлиқ ҳурмат қилиниши зарур.

Шуни таъкидламоқчиманки, бундай мақсадларга эришиш учун ҳозирча Афғонистонда турган тинчликпарвар коалиция кучлари ёрдам бериши мумкин. 2010 йилнинг июнида Қирғизистонда рўй берган фожиали воқеалар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқаришга жиддий хавф солмоқда. Шу йилнинг апрелида обрў-эътиборини йўқотган пре-

зидент ҳокимиятининг ағдарилиши, юзага келган кескинлик ва қарама-қаршиликлар, шунингдек, мамлакатда қонуний ҳокимиятнинг заифлиги Қирғизистон жанубида миллатлараро қонли ва шафқатсиз воқеалар юзага келишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида юзлаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди, минглаб тинч аҳоли жабр кўрди.

Қирғизларнинг ўзи ҳам, республика жанубида яшаётган кўп сонли ўзбеклар ҳам учинчи кучлар томонидан пухта ўйланган ва уюштирилган акциянинг қурбонига айланди, дейиш учун бугун барча асосларимиз бор.

Узоқни кўзлаб амалга оширилган бу акциядан мақсад мамлакатда нафақат тартибсизлик ва парокандаликни юзага келтириш, балки Ўзбекистонни ушбу ваҳшиёна хунрезликка тортиш, пировард натижада, миллатлараро қарама-қаршиликни икки қўшни мамлакат – Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро қарама-қаршиликка айлантиришдан иборат эди.

Ўта мураккаб ва ўт олиб кетиш хавфи бўлган мазкур вазиятда қабих ният билан ташкил этилган воқеаларнинг ривожланишига йўл қўймаслик биз учун ниҳоятда оғир муаммога айланди. Ўз ҳудудимизда юз мингдан ортиқ қочқинлар, болалар, хотин-қизлар, қарияларни қабул қилиш, уларни жойлаштириш ва барча зарур нарсалар билан таъминлаш жуда катта куч, меҳнат ва ресурсларни талаб қилди. Айни пайтда ўта шафқатсиз зўравонликнинг авж олишига йўл қўймаслик, чегара ҳудудида осойишталикни сақлаш, фавқ-

улудда оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қахру қазабни жиловлаш, экстремизмнинг шиддатли тус олишининг олдини олиш зарур эди.

Фақат ақл-идрок, оддий ҳақиқатни, яъни ушбу заминда кўп асрлар давомида ўзбеклар ва қирғизлар ёнма-ён яшаб келгани ва бундан буён ҳам уларнинг фарзандлари ҳамда авлодлари кўп асрлар мобайнида бирга яшашини теран англаш бизга ва халқимизга мазкур фожиянинг Марказий Осиёда қарама-қаршиликларнинг янги, кенг кўламли ўчоғига айланиб кетишининг олдини олишда муҳим омил бўлди.

Албатта, бугун Қирғизистон инсонпарварлик ёрдамига, қўшнилари ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг кўмағига муҳтож. Бироқ, 11-14 июнь кунлари Қирғизистон жанубида содир этилган талон-тароҷлар, хунрезлик ва зўравонликлар бўйича муस्ताқил халқаро текширув ўтказиш, ушбу қонли ваҳшийликларнинг барча буюртмачилари, ташкилотчилари ва ижрочиларини жиноий жавобгарликка тортиш янада муҳим вазифа ҳисобланади.

Ишончим комилки, таҳминларга асосланган ҳар қандай фикрлар ва бир ёклама ёндашувларни истисно қилувчи ҳолис ва муस्ताқил халқаро текширувларни ўз вақтида ўтказиш, халқаро ҳамжамиятнинг бу борадаги қатъий принципиал позицияси Қирғизистон жанубида қирғизлар ҳамда кам сонли ўзбекларнинг муросяга келиши ва тотувлигини таъминлаш учун йўл очиб бериши мумкин.

2-бет

## Ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди

НЬЮ-ЙОРК, 20 сентябрь.  
ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

**БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида қатнашиш учун Нью-Йоркка келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов АҚШнинг «General Motors» корпорацияси раисининг ўринбосари Томас Стивенсни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда автомобилсозлик саноати жадал ривожланаётган соҳалардан бири эканини таъкидлаб, бунда «General Motors» билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутишини, бугунги учрашув ўзаро алоқаларга оид масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, «General Motors» мамлакатимиз автомобилсозлик саноатига кириб келганидан кейин ўтган қисқа даврда Асакадаги заводда бир неча янги русумдаги автомобиллар ишлаб чиқарила бошлади. Илгари унинг конвейерларидан Damas, Matiz ва Nexia чиққан бўлса, эндиликда улар қаторига Lacetti, Captiva, Epica ва Tascima русумли автомобиллар қўшилди. Жорий йилнинг август ойидан эса Spark русумли янги автомобиль ишлаб чиқарилмоқда. Завод йилга 50 минг дон шундай автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга. Уларнинг салкам ярмини экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

«General Motors» билан ҳамкорлик қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда янги замонавий автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан бирга, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, экспорт ҳажмини ошириш ва жуғрофиясини кенгайтириш, савдо стратегиясини такомиллаштириш, маркетинг тадқиқотлари ўтказишни ҳам қамраб олади. Шу тарихда Ўзбекистон автосаноати «General Motors»нинг глобал тармоғидаги муҳим бўғинга айланиб, автомобилсоз давлатлар қаторидаги ўрнини мустаҳкамламоқда. «General Motors» билан ҳамкорлик хориждан Ўзбекистон автомобилсозлик саноатидаги янги лойиҳалар, хусусан, маҳаллийлаштиришга оид дастурлар учун сармоя жалб этишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

2-бет

### ИФТИХОР

...Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ислам КАРИМОВ

## БУЮК МЕРОС ВА ЁШЛАР



Ҳазрат Навоий таваллудининг 550 йиллиги мамлакатимизда катта шодиёналар билан нишонлангани ҳеч ҳам эсимдан чиқмайди. Улуғ мутафаккир тўйи шарафига пойтахтимизда миллий боғ барпо этилиб, унинг тўрида шоирнинг маҳобатли ҳайкали қад ростлагани бизда миллий меросга муносабат кескин ўзгарганининг ёрқин бир далолати эди.

Уша кунлар ҳали-ҳануз хотирамда жонланса, юракда ўзгача бир ҳаяжон, гурур жўш уради. Чунки бу тантана Ватанимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларда бўлган эди. Истиклолнинг ўтган ўн тўққиз йили мобайнида яна кўплаб шундай шодиёналарга гувоҳ бўлдик.

4-бет

### ЎЗЛИК

## Миллат тарихи

ёхуд Ўзбекистон тарихи Давлат музейида бир кун

5-бет



### БУГУН

Муस्ताқиллик йилларида бутун мамлакатимиз, хусусан Самарқандда Президентимиз раҳнамолигида шаҳар ободончилиги, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш, муқаддас қадимзо ва тарихий обидаларни таъмирлаш, асраб-авайлаш борасида асрларга татигулик ишлар амалга оширилди.

## Улуғбек юлдузлари мангу порлагай

Жумладан, 1994 йилда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳридаги Улуғбек обсерваторияси ва мадрасаси ҳудуди қайта таъмирланди. Шаҳардаги асосий кўчалардан бирига, шунингдек, Самарқанд архитектура ва қурилиш институтига Мирзо Улуғбек номи берилди. Буюк фалакитшунос олим таваллудининг 615 йиллиги муносабати билан 2009 йил бутун дунёда Халқаро астрономия

йили деб эълон қилинди. Жорий йилнинг март ойида Президентимизнинг ташаббуси ва тавсиялари асосида Мирзо Улуғбек расадхонаси ҳудудида яна кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари бошланди. Музейнинг эски, қўримсиз биноси ўрнида махсус лойиҳа асосида расадхонанинг қадимий қурилишини эслатадиган иншоот қуришга киришилди.

6-бет

# СИЁСАТ

## Ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди

(Давоми.  
Боши 1-бетда)

Учрашувда Томас Стивенс самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, «General Motors» Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашни ва ўзаро алоқаларни изчил ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида ҳамкорликни кенгайтиришнинг устувор йўналишлари, яқин ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган режалар юзасидан фикр алмашилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов АҚШнинг «Sikorsky Aircraft» компанияси президенти Жеффри Пинони қабул қилди.**

Ушбу компания самолётсозликнинг пешқадамларидан ҳисобланади. Дунёдаги мавжуд вертолётларнинг 90 фоизи шу компаниянинг дастлабки модели асосида ишлаб чиқарилади. «Sikorsky Aircraft»нинг вертолётлари энгиллиги, кўп вазибаларни бажара олиш қобилияти, парвоз имкониятлари ва юксак рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Ушбу компанияда ишлаб чиқарилган техника кўтариладиган юк вази, тезлик ва бошқаруving нисбатан кулайлиги билан халқаро миқёсда кенг эътироф этилган. «Sikorsky Aircraft» маҳсулот ишлаб чиқариш ва халқаро буюртмалар борасида етакчи компания саналади. Кўплаб давлатларнинг тез ёрдам, кўтариш ва қидириш хизматлари шу компания техникасидан фойдаланади.

Учрашувда Ж.Пино самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб,

«Sikorsky Aircraft» Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов АҚШнинг «Honeywell» корпорацияси раиси ва ижрочи директори Дэвид Коутни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШнинг йирик корпорациялари ўртасида ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини қайд этиб, «Honeywell» билан шериклик алоқалари ўрнатиш ва ривожлантириш учун ҳам барча имкониятлар мавжуд эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида ушбу корпорация учун янги бозорлар сари робита бўлиши мумкин. Айтилган унинг техника ва технологияларини, сармоясини жалб этиш орқали Ўзбекистонда sanoatнинг янги илгор турларини ўзлаштириш имконини беради.

«Honeywell» кўп тармоқли sanoat-технология корпорацияси бўлиб, дунёнинг етакчи юзта компанияси сафида туради. У аэрокосмик техника, маъмурий, sanoat ва турар-жой биноларини бошқариш технологиялари, автомобилсозлик техникаси, турбокомпрессорлар ва кўплаб турдаги бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Самолёт двигателлари ва парвозини бошқариш тизимлари, автоматлаштирилган хавфсизлик тизимлари, буғ қозон, совушти ускуналари, сув таъминоти тармоқлари, термостат, контроллер каби sanoat ва кўплаб маиший техника

воситалари мана шу корпорация томонидан ёки унинг технологиялари асосида ишлаб чиқарилади.

Корпорация фаолиятининг кўлами жуда катта. Кўплаб мамлакатлардаги йирик нефтни қайта ишлаш заводлари Honeywell-нинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлайди. Йирик музей, галерея ва театр биноларида, парламент бинолари ва ҳукумат уйларида «Honeywell»нинг хавфсизлик тизимлари ўрнатилган. Корпорация хизматлари ва маҳсулотларининг юқори сифати бутун дунёда эътироф этилади. «Honeywell» «маҳсулотлар диапозони энг катта бўлган компания» мақомини ҳам олган.

Биргина автомобилсозлик sanoati мисолида оладиган бўлсак, «Honeywell» билан ҳамкорлик турли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш орқали ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ва жадаллаштириш, автомобилларда ёқилги тежамкорлигини ошириш, филтрлар, сачалар, антифризларнинг яроқлилиги муддатини узайтириш имконини беради.

Учрашувда Дэвид Коут Ўзбекистон юксак интеллектуал салоҳиятга, бой ишлаб чиқариш ресурсларига эга давлат эканини, «Honeywell» раҳбарияти мамлакатимиз билан ҳамкорлик истиқболга қатъий ишонч билан қарашини таъкидлади.

Суҳбат чоғида «Honeywell» билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш масалалари, қўша сармоявий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби икки томонлама фойдали бўладиган устувор йўналишлар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи

(Давоми.  
Боши 1-бетда)

Бундай позициядан ҳар қандай чекинши Қирғизистон жанубида фожиали воқеаларнинг яна такрорланиши, ўта хавфли кескинлик манбаининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкинлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шу муносабат билан биз БМТдан фожиали воқеалар юзасидан мустақил халқаро текширувлар ўтказиш борасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни куттишга ҳақлимиз. Бу, ўз навбатида, қўшни Қирғизистонда воқеаларнинг яна авж олишининг олдинчи омили имконини беради.

Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади. Орол фожиаси экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди.

Қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллиги эса ўнлаб баравар ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшаш учун яроқсиз аҳолга келтирди. Натيجида қарийб барча ҳайвонот ва наботот олами таназзулга учради ва йўқолди.

Бугун Оролбўйида нафақат экологик, балки дунё миқёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демография муаммолар пайдо бўлди. БМТ Бош котиби жаноб Пан Ги Мун шу йил Оролбўйига ташрифи чоғида бунга ишонч ҳосил қилди. Ва биз бу ташриф учун унга катта миннатдорлик билдирамиз.

Орол денгизининг қуриши давом этаётгани ва унинг атрофида гуманитар фалокат содир бўлаётгани сабабли Оролбўйининг табиий биологик фондини асраб-авайлаш, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Шуни ҳисобга олиш зарурки, Оролбўйи худуди иккита асосий манба – Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг камайиши мазкур кенг минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

Бундай шароитда 30-40 йил аввал, собиқ совет даврида ишлаб чиқилган, мазкур дарёлар юқори қисмида улкан гидрорезервуарларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ҳар қандай уринишлар, боз устига, ушбу иншоотлар барпо этиладиган зоналарнинг сейсмик хавфи 8-9 баллини ташкил этишини ҳисобга олсак, буларнинг барчаси экологияга ўнлаб бўлмайдиган зарар етказиши ва хавфли техноген ҳалокатларга олиб келиши мумкинлиги аён бўлади.

Кўплаб халқаро экология ташкилотлари ва нуфузли экспертлар тавсия қилаётганидек, ушбу дарёлардан шу миқдордаги энергетика қувватларини олиш учун нисбатан хавфсиз, аммо анча тежамкор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилона йўл бўлур эди.

Қуриб бораётган Орол муаммоси – бу ушбу минтақада яшаётган, БМТдек нуфузли ташкилотга умид билан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган миллионлаб одамларнинг муаммосидир.

Жаноб Раис!  
Фурсатдан фойдаланиб, Саммит иштирокчиларига Ўзбекистонда Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача маълумот бермоқчиман.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида БМТ аъзолари сафидан жой олганига атиги 19 йил бўлди. Илгари ўзининг бир томонлама ривожланган хомашё етиштиришга йўналтирилган иқтисодиёти, ҳалокатли пахта яккахокимлиги авжга чиққан, қоқоқ ишлаб чиқариш ва

ижтимоий инфратузилмаси, жон бошига истеъмол даражаси паст бўлган мамлакатимиз мустақил ривожланиш йилларида янги ва улкан марраларни кўлга киритди ва бунинг натижасида унинг қиёфаси тамомила ўзгарди, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисобланганда эса 2,5 баравар ўсди, ўртача иш ҳақи 14 баравар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баравардан зиёдроқ кўпайди. Хар йили давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 82,5, табиий газ билан таъминлаш 83,5 фоизга етди, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, ўта оғир юқумли касалликларга барҳам бериш ҳамда уларни камайтириш борасида қатъий чоралар кўрилди. Оналар ўлими даражаси 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баравар камайди. Ушбу даврда, яъни қарийб 20 йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшга ошди. Бугун мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг жиддий таъсирларига қарамай, Ўзбекистон дунёдаги кўп сонли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминламоқда, ишончли фаолият кўрсатаётган молия-банк тизимини сақлаб турибди.

Масалан, 2008-2009 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари 9 ва 8,1 фоизни ташкил қилди, жорий йилда бу кўрсаткич 8,5 фоиз даражада бўлиши кутилмоқда. Давлатнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизидан ошмайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган **мамлакатни демократлаштириш бўйича ўз моделимиз**, иқтисодиётнинг мафқурадан холилиги ва сиёсатдан устуллиги, давлатнинг бош ислорхоти вазифасини бажариши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш, ислорхотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойилларига асосланган **ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш** ушбу ютуқларни кўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда. Биз, аввал бошдан «шок терапияси» деб аталган усулларни четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солиди, деган ўта жўн ва алдамчи тасавурулардан воз кечдик, «янги ўйни қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, маъмурий-буйруқбозлик, мустабид тизимдан бошқаруving бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни танладик.

Таълим жараёни ва одамлар тафаккурининг юксалиши ушбу бурча ўзгаришларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, жаҳон таърибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди. Мамлакатимизда ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилди, 2009 йилдан бошлаб 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиш, сиёсий ва иқтисодий ислорхотларни, мамлакатни модернизация қилишни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва шу асосда ўз фуқаролари учун муносиб турмуш шароитини яратишни ўзининг истиқболдаги муҳим вазибалари деб билади.

Сўзининг якунида шунга таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон БМТ Бош котиби Пан Ги Мун таълим элган Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги Тараққиётни жадаллаштиришга оид глобал харажатлар режасини қўллаб-қувватлайди ва уни амалга оширишда фаол иштирок этади.

Этиборингиз учун раҳмат.

## Ўзбекистон Президентининг Нью-Йорк учрашувлари

**НЬЮ-ЙОРК, 21 сентябрь.**  
**ЎЗА махсус мухбири**  
**Анвар БОБОЕВ хабар қилади.**

**БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 сентябрь кунни БМТ Бош қароргоҳида Германия Федератив Республикаси Канцлери Ангела Меркель билан учрашди.**

Давлатимиз раҳбари Германия Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли ҳамкорларидан эканини, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Германия Ўзбекистоннинг мамлакатини янада демократлаштириш борасидаги саъй-харажатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Икки давлат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш мақсадларини Европа Иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ҳам кенгайтиришга йўналтирилган.

Учрашувда Ангела Меркель Германиянинг тинчликпарвар сиёсати Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланаётгани учун Президентимизга самимий миннатдорлик изҳор этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Германия ҳамкорлиги кўламини янада кенгайтиришга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу кунни БМТ Бош қароргоҳида Бельгия Бош вазири Ив Лертер билан учрашди.**

Давлатимиз раҳбари Бельгия Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли ҳамкорларидан эканини, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Бельгия ўртасида парламентларо алоқалар фаоллашмоқда, ташқи сиёсат ва мудофаа маҳкамлари, хавфсизлик органлари, олий таълим муассасаларининг ҳамкорлиги кенгаймоқда.

Бельгия парламенти вакиллари, «Ўзбекистон-Бельгия» парламентларо ҳамкорлик гуруҳи аъзолари мамлакатимизда ўтказиладиган халқаро анжуманларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Ташқи ишлар вазирлиқларининг масъулашувлари чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга оид долзарб масалалар муҳокама қилинмоқда. Ўзбекистон ва Бельгия минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилаётир.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Бельгия ўртасида энг кўп кулайлик яратиш тизимини жорий қилинган. Ўзбекистон Бельгияга пахта толаси, газлама, ноорганик кимё маҳсулотлари экспорт қилади. Бельгиядан мамлакатимизга механик ускуналар, фармацевтика маҳсулотлари, пластмасса ва ундан аскалан буюмлар, каучук ва резина келтирилади. 1999 йилдан Тошкентда Валлония Экспорт ва хоржий

сармоялар бўйича агентлиги (AWEX) ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Фарбий Фландрия Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган. Кейинги йилларда Тошкент ва Брюсселда икки мамлакатнинг кишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш имкониятларига, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига, шаҳарлар инфратузилмасини такомиллаштиришга бағишланган қатор бизнес-форум ва тақдимот маросимлари, ишбилармонларнинг учрашувлари ўтказилди.

Маданият соҳасидаги ҳамкорлик доирасида Бельгияда Самарқанднинг 2750 йиллик, Маргилоннинг 2000 йиллик юбилейларига бағишланган кўргазмалар ташкил қилинди. 1999 йилдан «Ўзбекистон-Бельгия» дўстлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. 2004 йилда «Дўстлик» Бельгия-Ўзбекистон маданият маркази очилди. Тошкент ва Кортрейк шаҳарлари ўртасидаги шериклик алоқалари фаоллашмоқда. Бельгиянинг бу шаҳрида Абу Али ибн Синога ҳайкал ўрнатилган. Самарқанд ва Льеж шаҳарлари ўртасида ҳам шериклик алоқалари ривожланмоқда.

Учрашувда Ив Лертер Бельгия Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлаши, ўзаро муносабатларни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор билан ёндашишни таъкидлади. Ўзбекистондаги кулай сармоявий муҳит бельгиялик ишбилармонларнинг Ўзбекистонлик шериклар билан бирга бизнес қилиш иштиқини кучайтираётганини қайд этди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Бельгия муносабатларига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов БМТ Бош қароргоҳида Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмитт билан учрашди.**

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Венгрияни ўзаро ишонч ва манфаатдорликка асосланган давлатларо муносабатлар, халқларимизнинг маънавий яқинлиги бир-бирига боғлаб туришини, ушбу учрашув икки томонлама ҳамкорликка оид барча долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун кулай имконият эканини таъкидлади.

Мамлакатларимиз сиёсий соҳада икки ва кўп томонлама алоқаларни ривожлантирмоқда. Ўзбекистон ва Венгриянинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга доир масалаларга, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммоларга қараш ва ёндашувлари ўхшаш ва яқин.

Ўзбекистон ва Венгрия яқин иқтисодий ҳамкорлиги. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техник ўзвий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочишга оид муҳим ҳужжатлар имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Венгриянинг Савдони ривожлантириш ва сармоя бўйича агентлиги ҳамда «Eutote Kft» сармоявий компанияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ишбилармонларнинг бевосита шериклик алоқаларини ривожлантириш мақсадида Тошкент ва Будапештда мунтазам равишда бизнес-форумлар ўтказилмоқда.

Сармоявий ҳамкорлик доирасидаги алоқалар ривожига 2009 йилда Ўзбекистон ҳукумати билан Венгриянинг «Omniinvest Development Ltd» компанияси ўртасида имзоланган шартнома яхши мисол бўлади. Молиявий қиймати 100 миллион АҚШ долларидан иборат бу ҳужжат

Ўзбекистонда гриппга қарши вакцина ишлаб чиқарувчи кўша корхона ташкил этишни назарда тутди.

Шунингдек, Венгрия Эксимбанки Ўзбекистонга умумий қиймати 50 миллион АҚШ доллари тенг кредит ажратишга қарор қилди. Бу маблағ поликлиникаларни тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, шаҳарлар инфратузилмасига энергия тежаш технологияларини жорий этиш, нефтни қайта ишлаш заводларида тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш ва нефть шламани қайта ишлаш технологиясини ўзлаштириш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Гуманитар соҳада Ўзбекистон Фанлар академияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Венгриянинг қатор ташкилотлари билан материалшунослик, микроэлектроника, приборсозлик, фармакология каби соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Икки мамлакатда кино кунлари, турли кўргазмалар ташкил қилинмоқда. Тошкент билан Будапешт шаҳарлари ўртасида шериклик алоқалари ўрнатилган.

Учрашувда Пал Шмитт Венгрия барча соҳаларда Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболларига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 сентябрь кунни АҚШнинг «Boeing» корпорацияси катта вице-президенти Марти Бентротни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари «Boeing» Ўзбекистоннинг авиация ва самолётсозлик соҳасидаги яқин ҳамкорларидан бирига айланганини, ушбу корпорация билан алоқалар ҳамда кемалари ўз казби бериш бораборида, парвозлар хавфсизлигини ошириш, йўловчиларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, техникавий таъминот ва таъмирлаш, кадрлар тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш каби соҳаларни қамраб олганини таъкидлади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ўз самолётлари паркин янгилаш доирасида 1995 йилдан буён «Boeing» билан ҳамкорлик қилиб келади. Шу кунгача миллий авиакомпаниямиз 11 «Boeing» русумли самолётни харид қилган. Шу тариқа қанотига Ўзбекистон байроғи туширилган «Boeing» самолётлари дунё мамлакатларига парвоз қилмоқда. Мамлакатимиз учувчилари «Boeing-757-200» ва «Boeing-767-300ER» самолётлари бошқарувини тўлиқ ўзлаштирган. «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонасида нафақат Ўзбекистонга қарашли, балки кўплаб бошқа давлатлардаги авиакомпанияларга тегишли шу русумдаги самолётларга техник хизмат кўрсатилмоқда.

«Boeing» билан ҳамкорлик йил сайин ривожланмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан «Boeing» ўртасида имзоланган битимларга қўра, ушбу корпорация 2011-2013 йилларда Ўзбекистонга яна тўртта «Boeing-767-300ER» самолётни етказиб беради. 2016 йилда эса «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси паркига «Boeing-787-8» русумдаги иккита янги авлод самолётни қўшилади.

Шу билан бирга, учувчи-техник таркиби, техник хизмат кўрсатиш мутахассислари тайёрлаш борасида «Boeing» билан ҳамкорлик изчил давом эттирилмоқда. Ўзбекистонлик учувчи ва техник ходимлар «Boeing» ўқув марказларида малака оширмоқда.

Учрашувда Марти Бентрот самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, «Boeing» Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида авиация ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

## Иқтидорли ёшлар

анжуманда уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий асослари, муаммо ва ечимлар муҳокама қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ҳамкорликда "Ўзбекистонда ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий асослари: муаммо ва ечимлар" мавзусида конференция ўтказди. Анжуманда депутатлар, Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг масъул ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ёш олимлар кенгаши аъзолари, ёш ижодкор ва талабалар иштирок этдилар.

Тадбирда истиқлол йилларида Юртбошимиз томонидан ёшларни ҳар томонлама етук ўсиб-улайиши масаласига жиддий эътибор қаратиб келинётганини, 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинганлигининг ўзи ҳам мазкур масала давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигининг яққол далили эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41 ва 42-моддаларида мустақамлаб кўйилган. Шунингдек, миллий қонунчилигимизда ёш авлоднинг илмий, техникавий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ёш ижодкорлар фаолияти махсулини химоя қилиш, иқтидорли ёш муаллифлар, ижрочиларнинг ҳуқуқлари муҳофазасини кафолатлаш, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиши, истеъдодли спортчиларимизга ҳалқаро миқёсда, хусусан, Олимпия ҳаракатида ўзларини намойиш этиш масалалари ҳам ақсини топган.

Анжуманда мустақиллик йилларида ёш иқтидорларимизнинг илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича ҳалқаро олимпиадалар, танловлар, спорт мусобақаларида ватанимиз шарафини муносиб химоя қилиб, юксак натижаларга эришиб келаётганликлари ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистонлик ўқувчилар ҳалқаро фан олимпиадаларида жами 149 та, шу жумладан 6 та олтин, 14 та кумуш, 60 та бронза медали ва 69 та диплом, ҳалқаро спорт мусобақаларида эса жами 3518 та, шундан 1114 та олтин, 1013 та кумуш ва 1391 та бронза медаллари билан тақдирланди. Бундан ташқари мусиқа ва санъат соҳасида ўтказилган турли ҳалқаро танлов ва фестивалларда иштирок этган иқтидорли ўқувчилар жами 265 та совринли ўринларни эгаллашди.

Анъанавий равишда ўтказиладиган Зулфия ва "Нихол" мукофотлари, "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови, "Янги авлод" болалар фестивали, "Келажақ овози" республика ёшлар танлови, "Санъат гунчалари" болалар кўрик-танлови, "Дебют" ёш театр режиссёрлари танлови маданият ва санъат соҳасида истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашда беқиёс ўрин тутиб келаётганлигига ҳам алоҳида урғу берилди.

Иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот ишларига кенг жалб этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш жараёни йилдан-йилга фаоллашиб бормоқда. Фанлар академияси тизимига 35 ёшгача бўлган 750 нафар ёш илмий ходим фаолият кўрсатаётганлиги, улардан 141 нафари инновацион грантларга жалб этилиб, 156 нафари ўхшаш шартномалари асосида фаолият олиб бораётганлиги юқоридаги фикрларнинг ёрқин далилидир.

Президентимиз ташаббуси билан 1996 йили жорий қилинган Фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фондининг асосий мақсадларидан бири ҳам ёш тадқиқотчиларни рағбатлантиришдир. 1996-2009 йилларда ўтказилган танлов натижалари бўйича жами 1088 илмий лойиҳа 3 млрд. 325 млн. сўм маблағ билан таъминланди ва уларни бажаришда қатнашган 6373 ходимнинг 30-35 фоизи ёшлардир. 2010-2011 йиллар бошларида деб топилган 78 та илмий лойиҳа 641,5 млн. сўм маблағ билан таъминланган бўлса, уларни бажаришда қатнашаётган 476 нафар ходимдан 40 фоизи ёш олимлар эканлиги алоҳида эътибор этилди. Шунингдек, фонд маблағлари ҳисобидан «Ёш олимлар мукофоти», «Йилнинг энг яхши иши учун» мукофотлари доирасида йиллик танловлар ўтказилади. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида иқтидорли ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш мақсадида махсус стипендиялар бериш учун ёш олимлар ўртасида энг яхши илмий мақола, методик қўлланма ва адабиёт учун танловлар ташкил қилинмоқда. Ушбу танловларда энг яхши инновацион ва рационализаторлик лойиҳаларига грантлар ажратилмоқда.

Анжуманда асосий эътибор бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришда олдимизда турган долзарб вазифаларга, жумладан, таълим муассасаларидаги ўқитиш сифати, ўқув лабораторияларининг асбоб-ускуналар, хомашё билан таъминланганлиги, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мазмун ва сифати, давлат таълим стандартлари, таълим жараёнида янги педагогик технологияларнинг жорий этилганлиги, дарсликлар билан таъминланганлик даражаси, ўқувчи ва талаба-ёшлар тарбияси борасида олиб борилаётган ишлар, айниқса, мазкур жараёнда ота-она, умуман жамоатчиликнинг фаол иштироки ҳамда соҳадаги мавжуд муаммо ва уларнинг ечимларига қаратилди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

кил этилган эди. Ўйлаётганимиз, республикамизда биринчи бор ташкил этилган бахшилар танлови халқимизни, айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Қалбай Турдиев, Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси директори Жолдасбай Наурызбаев, Қорақалпоғистон Республикаси Композиторлар уюмаси раиси, таниқли композитор Намжаматдин Мухаммаддиновлар ҳам сўзга чиқиб, халқимиз бой ва бетакрор тарихга, урф-одат ва анъаналарга эга эканлиги, мустақиллик туфайли бу бой меросимиз қайта тикланиб, янада ривожлантирилаётгани ҳақида айтиб ўтди.

Кўрик-танловнинг энг ҳаяжонли, яъни бир ой давомида Қорақалпоғистон телевидениеси орқали жонли тарзда ўз санъатини намойиш этган ва энг кўп овоз тўплаб, халқ эътирофига сазовор бўлган бахшиларни эълон қилиш вақти етиб келди.

Нукус шаҳридаги Генжебай бахши Тлеумуратов номидаги "Мухаллес" дуторчилар ансамбли созандаси Гулнара Алламбергенова қорақалпоқ халқ достири "Ғариб ошиқ" қаломдорини муҳрилик билан ижро этгани ва энг кўп овоз тўлагани учун биринчи ўрин соҳибаси, деб эълон қилинди. Тошкент шаҳридан Ўзбекистон Давлат санъат институти ўқитувчиси Рашид Уснатов ва Нукус шаҳридан Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетининг 1-босқич магистранти Гулбахор Ақимбетовалар иккинчи ўринни, Қонлиқул туманидан Гулистан Темирханова, Қораузак туманидан Лаура Бекбоёнова ҳамда Нукус шаҳридан Нарзул Нуратдиновлар учинчи ўринни эгаллашди. Фолиблар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг қимматбахшо совға ва дипломлари билан тақдирланди. Шунингдек, қолган иштирокчилар ҳам ташкилотчилар томонидан рағбатлантирувчи мукофот ва дипломлар билан тақдирланди.

Кўрик-танлов якунида иштирокчилар томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди. Халқ достонлари ҳисобланган "Алломиш", "Ғариб ошиқ", "Гўрўғли", "Саятхон-Ҳамра"ни жонли тарзда ижро этган бахшиларнинг ширари ва сеҳрли овози, созанданинг маҳорати томошобиларни ҳайратга солиб, қорақалпоқ санъати ва халқ озаки ижодининг бетакрорлигини яна бир бор исботлади. "Ватанпарварлик", "севган ёрига бўлган муҳаббат", "одамийлик", "бағрикенглик", "дўстлик" каби эзгу гоғларнинг илгари сурувчи қорақалпоқ халқ достонлари бахшилар сози ва овозининг сеҳри билан дилларга кўчиб, юракларни тебратди. Ўйлаётганимиз мазкур тадбир томошобиларнинг Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Ватан туйғуси" ҳар нарсадан устун", деган эзгу гоғси атрафида бirlаштириб, уларда ўз халқининг ўтмиши билан ғурурланиш туйғусини пайдо этишга хизмат қилади.

Гулнара АЛЛАМБЕРГЕНОВА, Генжебай бахши Тлеумуратов номидаги "Мухаллес" дуторчилар ансамбли созандаси, ЎзМТДП аъзоси, танловнинг 1-ўрин соҳибаси: — Мен кўп таълим олдим ва иштирок этиб, гоғлиб бўлганман. Лекин Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан таш-

қилиб берилди. Бу танловнинг фарқи томони шундаки, бахшилар ижросига ҳайрат аъзолари ёки ушбу соҳа мутахассислари эмас, балки халқ баҳо бериши. Яъни Қорақалпоғистон радиосининг SMSлар порталига, Қорақалпоғистон телеканали ва Қорақалпоғистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ўрнатилган махсус телефонларга келган кўнги-роқларга қараб энг кўп овоз олган бахшилар аниқланди.

Бердақ номидаги мусиқали драма театрида танловнинг якуновчи босқичи бўлиб ўтди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгесининг Ижтимоий ривожланиш ва жамоат бирлашмалари масалалари қўмитаси раиси Баҳамдулла Нурабуллаев очиб, танлов иштирокчиларини яқинда нишонланган энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақилликнинг 19 йиллиги билан қизгин табриклади. Шунингдек, нотик танловнинг аҳамиятига тўхталар экан, куйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтди:

— Мустақиллик йилларида ота-болаларимиздан қолган меросимиз қайта тикланиб, улар бугунимиз ва келажагимиз учун, давлатимиз, жамиятимизнинг шаклланиши, мустақамланиши ва тараққий этиши учун хизмат қиладиган бебаҳо бойликка айланди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Юртбошимиз раҳнамоллигида қорақалпоқ фольклори, адабиёти ва санъатини қайта тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон

### АМАЛИЙ ФАОЛИЯТ

## Бахшичилик санъати

уни тарғиб-ташвиқ қилиш ҳамда янада ривожлантириш мақсадида ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан танлов ўтказилди

Ўз маданий меросига, мозийнинг илғор анъаналарига таянмаган халқ тараққийга эриша олмайди. Бинобарин, ўзликни англаш, халқ шурида миллий ва умуминсоний қадриятларга эҳтиром туйғусини тарбиялаш маънавий-маърифий юксалишга эришиш кафолатидир. Миллий тикланиш гоғси ва халқимизнинг бир неча минг йиллик бой меросидан илдиэ олиб, маънавий-маърифий тараққийга муносиб ҳисса қўшишни ўзининг асосий вазифаси, деб билган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси бу борада бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

бўлимининг илмий кутубхонасидаги кўлёмалар фондида сақланаётган фольклор материаллари ҳажми жиҳатидан 100 жылдан ортиқ эканлиги аниқланди ва ҳозирда ушбу халқ озаки ижоди намуналари китоб шаклида чоп этирилмоқда. Бу бой озаки ижодимизни авлоддан-авлодга етказиб берувчилар жири ва бахшилар ҳисобланади. Қорақалпоқ бахшичилик санъатининг отаси ҳисобланган Ақымбет, Муса бахшиларнинг авлодлари бўлган бахшилар ижодига бўлган эътибор сабабли улар сағи ёш бахшилар



Президентимиз Ислам Каримов Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида: "Қорақалпоқ халқи қадимий ва бой тарихга эга. Унинг миллий маданияти, жозибали санъати, мумот адабиёти, қадриятлари, удум ва анъаналари оламга машҳурдир. Мустақиллик туфайли қорақалпоқ халқи жуда кўп қадриятларни қайта тиклаш имкониятига эга бўлди", деган алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Дарҳақиқат, истиқлолдан олдин қорақалпоқ халқининг бой тарихи, маданий мероси, адабиёти ҳамда санъати "эскилик қолдиғи" сифатида қаралиб келинди. Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг қорақалпоқ халқи ўзининг бир неча минг йиллик тарихига, бой маданияти, санъати, халқ озаки ижоди ва фольклорига эга эканлигини намойиш эта бошлади.

Яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 19 йиллиги ва "Баркамол авлод йили" га бағишлаб Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ўтказган "Достон ижро этувчи бахшилар"нинг республика кўрик-танлови ҳам қорақалпоқ бахшичилик санъатини ривожлантириш йўлидаги яна бир амалий саъй-ҳаракат бўлди.

Тарих саҳнида қорақалпоқ халқи қачон пайдо бўлган бўлса, унинг озаки ижоди ҳам ўша даврларда шаклланиб, ўзида халқимизнинг ўтмишидаги ҳаётини ҳамда миллатнинг руҳини акс эттирган. Бу бой мерос эса бахши ҳамда жирилар ижоди орқали бугунги кунимизгача етиб келган. Демак бахши ва жириларнинг халқ озаки ижоди орқали халқимизнинг бой маданиятини авлоддан-авлодга етказиб беришда беиннат ҳиссаси бор.

Танлов ана шу анъанани давом эттириш, айниқса, ёшлар орасидан ёш бахши ва жириларнинг етишиб чиқишига эришиш, халқимизнинг ўтмиши ва руҳи сингдирилган, бугунги кунимиз учун ҳам тарбиявий аҳамиятга эга достонларимизни ўсиб келаётган ёш авлод орасида тарғиб қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Танлов 17 ёшдан 45 ёш оралиғидаги бахшилар ўртасида ўтказилиб, иштирокчилар жонли тарзда 7 дақиқа ичида қорақалпоқ халқ достонларидан парча ижро этишлари талаб этилди. Тўрт ҳафта давомида бўлиб ўтган танловда Қорақалпо-



билан ҳам кўпаймоқда. Мустақиллик айёми арафасида ёш бахши қизимиз Лола Мухаммаддинова ва ёш жириов Жанибек Пиязовларнинг "Нихол" мукофоти билан тақдирланди, шунингдек, таниқли бахши Тенел Қалиевага "Ўзбекистон халқ бахшиси" унвонининг берилиши бу соҳага бўлган юксак эътибордан дарак беради.

Шундан сўнг сўзга чиққан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Ижроия қўмитаси де-вони раҳбари Емберген Бауетдинов ҳам тадбир мақсадида қўсқача тўхталиб, жумладан шундай деди:

— Мазкур танлов партиямиз Дастури ва сайлолди Ҳаракат дастурида назарда тутилган халқимизнинг бой ва бетакрор маданий, маънавий, ахлоқий ҳамда миллий анъаналарига таянган ҳолда фуқароларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, кўп асрлик анъаналар ва урф-одатларни сақлаб қолиш ва уни ўсиб келаётган ёш авлод онига сингдириш каби вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида таш-

қилиб берилди. Бу танловнинг фарқи томони шундаки, бахшилар ижросига ҳайрат аъзолари ёки ушбу соҳа мутахассислари эмас, балки халқ баҳо бериши. Яъни Қорақалпоғистон радиосининг SMSлар порталига, Қорақалпоғистон телеканали ва Қорақалпоғистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ўрнатилган махсус телефонларга келган кўнги-роқларга қараб энг кўп овоз олган бахшилар аниқланди.

Бердақ номидаги мусиқали драма театрида танловнинг якуновчи босқичи бўлиб ўтди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгесининг Ижтимоий ривожланиш ва жамоат бирлашмалари масалалари қўмитаси раиси Баҳамдулла Нурабуллаев очиб, танлов иштирокчиларини яқинда нишонланган энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақилликнинг 19 йиллиги билан қизгин табриклади. Шунингдек, нотик танловнинг аҳамиятига тўхталар экан, куйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтди:

— Мустақиллик йилларида ота-болаларимиздан қолган меросимиз қайта тикланиб, улар бугунимиз ва келажагимиз учун, давлатимиз, жамиятимизнинг шаклланиши, мустақамланиши ва тараққий этиши учун хизмат қиладиган бебаҳо бойликка айланди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

### ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

## Мустақиллик

халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти тимсоли

Биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиши истиқлолимиз халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳиятининг асоси, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида қадр топиб келмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, ЎзМТДП вилоят, туман кенгаши фаоллари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ходимлари, шаҳар ҳокимлиги вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни шаҳар ҳокими Абдуғаффор Маннапов очди ва мустақиллик йилларида шаҳарда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва маърифий соҳаларда амалга оши-

рилаётган ислохотлар хусусида гапирди. Шундан сўнг, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Игорь Коренов ва ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Абдуҷаббор Сайдуллаев сўзга чиқиб, партиянинг мустақиллигини мустақамлашга қаратилган тадбирларнинг асосий мақсади фуқароларимиз, айниқса, ёш авлодни она юрт тупроғини кўзга тўтиб қилиб яшашга ўргатиш, унинг истиқболига дахлдорлик ҳиссини юксалтириш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойиллини мустақам қарор топтириш каби эзгу ишларга қаратилганлиги ҳақида тўхтадилар. Ана шундай фикр-мулоҳазалар куннинг иккинчи ярмида Охангарон цемент ОХЖда "Мустақиллик — олий нъмат" мавзусида бўлиб ўтган тадбирда давом этди. Уни очган ЎзМТДП Охангарон шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Самандар Намозбоев ЎзМТДП дастурий

ғоя ва мақсадларида илгари сурилган миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш, эъзозлаш ва янада ривожлантириш, ҳар бир фуқаро қалбига мамлакатимизнинг шонли ўтмиши, бугунги кун ва келажагидан фахрланмиш туйғусини сингдириш борасида қилинаётган ишлар хусусида фикр юритди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

Умурзоқ ХАМДАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

# ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## ИФТИХОР



## БУЮК МЕРОС ВА ЁШЛАР

(Давоми.  
Боши 1-бетда)

Регистон майдонидаги кўхна мадрасаларни болалигимда ҳам бир неча бор зиёрат қилганман. Кўп асрларга гувоҳ бўлган бу кўхна иморатлар қандайдир синиққан, ярим вайрона бир аҳволда эди. Худди одамлардан нажот қилиб, илтижо қилаётганга ўхшарди. Сал нарироқдаги Амир Темури ва унинг яқинлари дафн этилган Гўри Амир мақбараси эса бир-бирига қалшиб кетган ресторону дўконлар, эски ҳовлилар орасида қолиб кетган, қаровсизликдан зах тортиб, нураб ётарди. Айнан мустақиллик йилларида бу табаррук бинолар яна қайтадан сайқал топди. Гўри Амир атрофи кенг хиёбонга айлантирилди. Бу кўтлуг даргоҳлар ҳар кун зиёратчилар билан гавжум.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ биз тарих қатламларидан дунё ижтимоий-сиёсий ҳаёти, илм-фан тараққиётида, инсоният тамаддунида муҳим ўрин тутган буюқ аждодларимизни, миллий анъана ва қадриятларимизни топдик. Азалдан ким эканлигимизни, дунёдаги ўрнимизни ана шу излашлар, топилмалар воситасида англадик ва англаб боряёмиз. Юртимизда қадимдан эзгулик йўлида заҳмат чеккан буюқ тафаккур соҳиблари меросидан фойдаланмоқдамиз. Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хоразмий, Фарғоний, Мотуридий, Марғинойий ва бошқа буюқ алломаларимиз номи, улар яратган бебаҳо маънавий бойликлар ўз элида яна кадр топди.

Мустақил тузум замида Имом Бухорий бобомиз қабри Хартанг қишлоғида қаровсиз ётди. Юртимизга таширф буюрган айрим мусулмон давлат арбоблари ҳазрат қабрини зиёрат қилгани борганида унинг янтоғу чакаларга орасида қолиб кетганини кўриб, кўзларига ёш олган, бу мақбарани бизнинг ихтиёримизга беринг, обод қиламиз, деган экан. Хайриятки, улугларимизни ўзимиз эъзозлай оладиган давр келди. Хукуматимиз эътибори ва халқ ҳашари билан бу буюқ муҳаддис мақбараси тез фурсатда обод зиёратгоҳ-

ким билмасди. Ҳозирги Миллий театрда (эски Ҳамза) Амир Темури туғилган кун муносабати билан берилган ошга баъзи зиёлилар кўрқиб-кўрқиб келишган. Чунки шўро даврида Амир Темури шунчалик қораланган эдики, бундай маъракаларни тасаввурга сиғдириб бўлмади. 1996 йили Соҳибқироннинг 660 йиллиги жуда катта тантана қилинди. Ҳатто, ЮНЕСКО қароргоҳида — Парижда ҳам мазкур сана алоҳида нишонланди.

1997 йили Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейлари, кейин бирин-кетин Имом Бухорий, Мотуридий, Абдухалиқ Фихрувоний, Фарғоний, Жалолиддин Мангубердиларнинг таваллуд айёмлари кенг нишонланди. 1999 йили "Ал-помийш" достонининг минг йиллиги ўтказилиб, Термизда Алпомийш ҳайкали ўрнатилди.

Албатта, мустақиллик йилларида миллий меросга муносабат бўйича амалга оширилган эзгу ишларнинг санаб адоғига етиш қийин. Умуман олганда, маданий меросни эркин, кенг ва атрофича ўрганиш бошланди.

## Меросни ўрганишдан кўзланган асосий мақсад нима?

Юз килолик тошни кўтарган одам, вақти келганда, яна шунча юк кўтариши мумкин. Бироқ, умрида йигирма килони кўтаролмаган одамга 50 килони кўтар, деб бўладими? Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, биз юз кило тошни кўтарган халқимиз. Яна, албатта, ундан кўпини ҳам кўтара оламиз. Шундай экан, меросни ўрганишдан мақсад халқ, одамлар, яъни ёшлар кўнглига дунёдаги энг ривожланган халқларнинг ҳеч қайсисидан ўзбек халқи кам эмас ва кам бўлмаслиги керак, деган туйғуни жо этишдан иборат.

Шу ўринда бир танишим ҳикоясини келтириб ўтсам. Бухоро вилояти Пешку туманидаги Афсона қишлоғидаги ибн Сино музейига бордим. Пештахтада асл нусхалари Европанинг табаррук музейларида сақланаётган жарроҳлик операциялари учун ясалган асбоб-ускуналарнинг кўчирмаси қўйилган. Хасрининг охири XI асрнинг бошларида яшаб ўтган улуг бобомизнинг мазкур тиббий жиҳозлари ҳозирги жарроҳлик асбоб-ускуналаридан кам эмас. Музей-ҳодими ҳикоя қилишича: Беруний хат ёзиб, ибн Синодан: "Нега сариёғ ютганда силлик ўтадию, қалампирни ютсанг, тамоғингни қириб ўтади?", деган саволга жавоб сўраган. "Менимча, - дебди ибн Сино, - сариёғнинг молекулалари думалоқ, қалампирники қиррали бўлса керак".

Орадан етти аср ўтгандан кейингина Европа олимлари сариёғнинг молекулаари думалоқ, қалампирники қиррали эканини исботлаган. Ибн Синонинг бундай башоратлари жуда кўп бўлган. Улуғбекнинг юлдузлари ўрганишида эришган буюқ аниқликлари, Фарғонийнинг Мисрга бориб, Нил дарёсига қурилмалар қурганини, сув ўлкагичлар ўрнатганини айтмайсизми? Ёки бўлмаса Навоийнинг туркий тил назарияси ва амалиёти соҳасида қилган кашфиётларининг ўзи қанчалар улуг мерос.

Мустақил тузум бизнинг олий даражаларга чиқишимизга монелик қилган. Лекин ўша орда қолган мунгли даврларда қўлдан бой берилган марраларни забт этиш вақти келди. Дарҳақиқат, аждодларимиздан бизга буюқ мерос қолган. Истиқлол эса бизга уни ҳар тарафлама эгаллаш ҳуқуқини берди.

Алоуддин ГАФФОРОВ

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН

# Бағрикенглик тамойили

ҳаётимиздан мустақкам ўрин эгаллади

Глобаллашув жараёнлари тобора фаоллашиб бораётган ҳозирги даврда инсоният ҳаёти ва тараққиёти, турли соҳаларда алоқалар ҳамда ўзаро муносабатларда бағрикенглик тамойили улкан аҳамият касб этмоқда. Зотан, бағрикенглик замирида ҳар бир инсоннинг тили, дини, маданияти, жинси, ирқидан қатъий назар барча миллат ва элатларга хурмат-эҳтиром билан қарashi, экология, атроф-муҳит ва табиатни асраш, иқтисодий инқироз каби дунёвий муаммоларга бепарқ қарамаслик каби олижаноб хислатлар ётади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамияти барпо этишда миллатлараро бағрикенглик устувор аҳамиятга эга. Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий анжуман "Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик: тарихий таъриба ва ҳозирги замон" мавзуга бағишланди. Унда республикамизнинг қатор олий ўқув юртлири билан бир қаторда Германия, Россия, Украина, Қозғоғистон каби давлатлар таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳам ўзларининг ушбу масалага бағишланган илмий мақолалари билан иштирок этдилар.

Юртимиз мустақилликка эришганидан буён бу муҳим масалага алоҳида эътибор қаратилаётганда, деди анжуман иштирокчиларини куллуб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, университет ректори Фафуржон Муҳаммадов, - ЎЗМУ факультетларида "Ўзбекистон тарихи" кафедрасида ушбу йўналиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилаётганда, "Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик" махсус курси ўтган йилдан бошлаб Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тавсиясига биноан республикамизнинг барча олий ўқув юртлирининг тарих факультетлари биринчи босқич магистрларига асосий фанлар қаторида ўқитилиши бошланди.

Шуни айтиш жоизки, сўнгги йилларда ўзбек тарихшунослиги фанида "Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик" илмий мактаби шаклланиб, Марказий Осиё худудидида худди шу номда биринчилардан бўлиб ЎЗМУда илмий марказ ҳам ташкил этилди. Ҳозирги кунда ушбу марказда бағрикенглик масалалари ва миллатлараро муносабатлар тарихига оид қатор мавзулар тадқиқ этилмоқда. Унга етук мутахассислар билан бир қаторда ёш олимлар ҳам жалб этилмоқда.

Айни пайтда жаҳон миқёсида глобаллашув жараёнларининг жаддаллашуви - миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик масаласини нафақат бир давлат ёки муайян минтақа доирасида, балки дунё миқёсида тинчлик ва тотувлик, умуминсоний бирлик ва барқарорликнинг муҳим омилига айлантирмоқда. Бу масалада анжуманда билдирилган айрим илмий фикрлар билан ўртоқлашдик.

**И.ШАМСИЕВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихини ўрганиш маркази етакчи илмий ходими:

Замонавий ёшлар тарбиясида толерантлик масаласи муҳим ўрин тутди. Лотин тилида олинган "tolerantika" сўзининг асл маъноси - сабр тоқат, дегани. Бу сўз замирида жамиятдаги маданиятлик, плюрализм, турли-туманлик ва хилма-хилликларнинг мавжудлигини тан олиш, қабул қилиш, тўғри тушуниш ва ҳурмат қилишга қаратилган ижобий муносабат

тушунчаси ҳам мавжуддир. Толерантлик - тафаккур шаффофлиги, дунёга очилиқ, сабрқаноат, тоқат, муруватли бўлиш, шафқатлик, бардошмиллик, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш каби тушунчаларнинг ўзига хос синонимидир. Она тилимизда толерантлик кенг маънода - бағрикенглик, яъни, ўзга инсонларга нисбатан мулоҳазали, олийҳимматли бўлиш, уларнинг яшаш тарзи ва урф-одати, қадриятлари ва эътиқоди, фикр ва ғоялари, инсоний қадр-қимматини ҳурмат қилиш маъноларини англатади. Толерант тафаккур инсоннинг бутун ҳаёти давомида шаклланиб боради. Ёшларда толерант тафаккурни тарбиялашда юксак маънавият, юриш-туриши, ҳаёт тарзи ўзгаларга ўрнак бўла оладиган кишиларни ибрат қилиб кўрсатиш жуда муҳимдир.

**Д.БОБОЖОНОВА,**  
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети профессори, тарих фанлари доктори:

Мустақил ривожланиш йўлидан дадил бораётган Ўзбекистон каби кўп миллатли, кўп конфессияли мамлакатда эл-юрт оқолишталлиги, тинчлиги, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳам-жиҳатлик давлат равнақини, келажакни белгилаб берувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолди. Республикада 130 дан ортиқ турли миллатга мансуб, ҳар хил динга эътиқод қилувчи халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик ришталари юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик пойдеворини мустақамлашга хизмат қилади. Ўзбеклар билан қардош халқлар ўртасида неча асрлардан бери давом этиб келаётган дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари, маънавий қадриятлар нафақат тарих саҳифаларида, балки бугунги ҳаётимизда мустақилликнинг бардавомлигини таъминлашда, минтақа халқлари биродарлигини мустақамлашда гоёта муҳим аҳамият касб этади.

**А.ИСОҚБОВЕВ,**  
Наманган Давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди:

ЮНЕСКОнинг 1995 йил 16 декабрдаги Бағрикенглик тамойиллари декларацияси умум-башарий тотувликни мустақамлашга йўналтирилган халқаро ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Бу ҳужжат миллий ва халқаро миқёсларда экстремистик террорчилик қирққорларининг олдини олиш, тугатиш ва бар-тараф этиш учун ғоявий-услубий асос бўлиб хизмат қилади. Унда ўз ифодасини топган нор-малар халқимиз руҳияти ва менталитети билан табиий уйғунлик касб этади. Шуни айтиш жоизки, динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувликни таъминлаш, уларни ҳурмат қилиш ота-боболардан қолган меросдир. Бағрикенглик миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган тушунча. Оилада, маҳаллада, умуман бутун жамиятда бу умуминсоний тамойил янада равнақ топаверади.

**Х.МАХМАНОВА,**  
Қарши Давлат университети доценти:

Ўзма манбалар гувоҳлик беришича, миллатдан аввалги

VII-VI асрларда Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон худудидида сақлар, массагетлар, сўғдийлар, бактрияликлар, хоразмликлар, чочликлар, парканаликлар, марғиёналиклар каби халқлар яшаганлар. Бу ерда турли даврларда кушонлар, ахмонийлар, грек-бактриялар, салавкиялар, парфия, тохарлар, эфталитлар, турк хоқонлари, сосонийлар, аббосийлар, сомонийлар, қоракхонийлар, қоракидонлар, хоразмийлар, темирүйлар ва бошқа давлатчилик тузумлари ҳукм сурган. Натижада, турли халқ ва элатлар маданиятлари ўзаро бирлаша борди. Демак, бу заминда миллатлараро тотувлик маданиятини шакллантиришда тарихан таркиб топган қадриятлардан бири ҳисобланиш бежиз эмас. Ана шу қадриятлар янада кадр топиши осойишта-лигимиз гаровига айланмоқда.

**З.ХУШВАҚТОВ,**  
Қорақалпоғистон Давлат университети ўқитувчиси:

Мутахассислар қайд этишларича, ёшларда бағрикенглик маданиятини шакллантиришда ёшлар ташиқлотлари, таълим муассасалари, спорт, ОАВ, китоблар ва интернетнинг ўрни катта. Масалан, бугунги кунда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати 15,8 мингта бошланғич ташиқлотга эга бўлиб, сафида 4 миллион 840 минг йигит-қизни бирлаштирган. Унинг ҳомийлигида "Қамалот" болалар ташиқоти 10-14 ёшлардаги 2 миллиондан ортиқ аъзони ўз ичига олган. Бу ташиқлот фаолияти натижаси ўлароқ ёшларда ижтимоий фаолиқ, бағрикенглик, соғлом эътиқод, Ватанга муҳаббат, мустақил фикрга эга бўлиш, илм қўқиларини эгаллашга қизиқиш тобора ўсиб бормоқда.

**М.РАЖАПОВА,**  
Андижон Давлат университети ўқитувчиси:

Мовароуннаҳрга кириб келган ислом дини маҳаллий динлар, уларга хос одат ва қадриятларга қоришиб кетган. Унинг асрга келиб, ҳозир биз яшаб турган минтақада бағрикенглик хусусияти билан ажралиб турувчи ҳанафий (Имом Аъзам) мазҳаби узул-кесил қарор топди. Бағрикенглик бир томондан, Имом Бухорий, Имом Термизий каби дин алломалари, яъни илоҳиёт олимлари, яна бир томондан, Фаробий, Хоразмий, Беруний каби қомусий олимларнинг ёнма-ён ишлаши, ижод қилишлари учун кенг имкон яратган. Қадимда бу заминда халқлари биродарлигини мустақамлашда гоёта муҳим аҳамият касб этади.

Икки кун давом этган мазкур анжуманда "Миллатлараро муносабатлар, толерантлик масалалари", "Этнослараро ва динлараро бағрикенглик масалалари", "Миллий менталитет ва ижтимоий бағрикенглик", "Ёшларда толерантликни шакллантириш - барқамол авлод яратиш омили" каби мавзуларга йўналтирилган шўъбаларда тингланган қизиқarli, сермаз-мун маърузалар барчада катта таассурот қолдирди. Мазкур анжуманга тақдим этилган юздан ортиқ профессор-ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг илмий мақолалари алоҳида тўплам ҳолида нашр этилиши режалаштирилди.

Азиза УСМОНОВА,  
ЎЗМУ журналистика факультети магистранти

## ҚОНУН ВА ИЖРО

# Ноширлик фаолияти

халқимиз маънавий салоҳиятини белгилайди

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан нашриётларнинг амалдаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Бугун мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда улкан ўзгаришлар кузатилаётганда. Жумладан, ахборот бозорининг фаол иштирокчиси бўлган ноширлик соҳасида ҳам истиқлол йилларида катта ижобий ютуқлар қўлга киритилди. Буни бозор шароитига мос янги ташкил этилаётган нашриётлар ҳамда китоб бозорини тўлдирётган сифатли замонавий босма маҳсулотларнинг кўпайгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Зеро мазкур тармоқнинг ривож топиши халқимизнинг маънавий-маърифий салоҳияти ўсиши билан боғлиқ. Мустақиллик йилларида

ушбу тармоқни ривожлантириш йўлида кўплаб ишлар қилинди. Аввало қатор қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, соҳани ҳуқуқий асоси яратилди. Шунингдек, ноширлар малакасини ошириш, соҳанинг техник базасини мустақамлаш ва модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида халқаро стандартларга мос, савия ва сифатга эга бўлган китоблар нашр этилмоқда.

1990 йилда юртимизда 9 та нашриёт фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирда улар 101 тага етган. Илгари мавжуд 9 та нашриётнинг барчаси давлат-

га қарашли эди, бугунги кунга келиб, давлатга қарашли бўлмаган нашриётлар сони 52 тани ташкил этади.

Тадбирда соҳада фаолият юритаётган ноширлар фаолияти ҳар томонлама таҳлил қилинди. Таъкидланганидек, мамлакатимиз китоб бозорини сифатли ва замонавий китоб маҳсулотлари билан таъминлаш ва йилдан-йилга ошиб бораётган талаб ҳамда эҳтиёжни ўз вақтида қондиришда нодавлат нашриётлар муҳим аҳамиятга эга. Лекин соф рақобат муҳитида ўзининг низомидаги мақсад ва вазифалари, ихтисослиги бўйича фаолият кўрсатаётган нашриётлар билан бирга амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузаётганлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Хусусан, "Dav Press", "Yangi asr avlodi", "Fan va texnologiya", "CHASHMA PRINT" каби нашриётларнинг 2009-2010 йиллардаги фао-

лияти таҳлил этилганда соҳага оид қонун ҳужжатлари талабларини бузилишига йўл қўйилгани аниқланган.

Сўзга чиққанлар нашриётлар томонидан бундай қонун бузилиши қолатларига йўл қўйилишига лицензиатларнинг соҳага оид қонун ҳужжатларини билмасликлари ва миллий китоб бозоримизнинг тўлақонли рақобатбардош иштирокчиси бўла олмаган айрим нашриётлар ўз ихтисосликларидан четга чиқиб, кўпроқ буюртма адабиётларга эътибор қаратаётганини асосий сабаб сифатида кўрсатишди.

Тадбир сўнггида мавжуд камчиликларни бартараф этдиш, маънавий озуқа манбаи ҳисобланмиш китобларни сифатли, даврга мос тарзда чиқариш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қамолитдин ҲОТАМОВ,  
"Milliy tiklanish" мухбири

# МАЪНАВИЯТ

ЎЗЛИК

## Миллат тарихи

ёхуд Ўзбекистон тарихи Давлат музейида бир кун

Ўзбекистон тарихи Давлат музейига кираётиб вужудимизни аллақандай ҳис-ҳаяжон чулғаб олди. Зеро, бу бежиз эмас эди. Чунки, биз она Ватанимизнинг ўтмиши билан рўбарў турардик. Бизни кутиб олган музей ходими, хушмуомалалик билан "ўтмишга саёҳатимиз" мазмунли ўтишини тилади. Мармардан ишланган пиллапоярлардан юқорига кўтарилдик.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кириш залига Фанлар академияси олимларининг тақлифлари асосида ишланган Ўзбекистон тарихи ёдгорликлари харитаси жойлаштирилган. Унда тарихий даврлар ва ёдгорликлар, ранглар ва рақамлар воситасида тасвирланган. Кириш залининг икки ён томонида ўрта асрларга оид ёғоч ўймакорлиги усулида ишланган 6 та устун ва расом Акмал Икромжонов томонидан ишланган панно нозик дид билан ўрнатилган. Мамлакатимиз

табиат манзараси тасвирланган ушбу панно ўзига хос рамзий маънога эга. Ундаги турфа баҳорий ранглар, гуллар давлатимиз байроғини, Ватанимиз истиклоли шарофати ила кундан-кунга гуллаб-яшнаётганини англатади. Бизни музей билан таништирган Феруза опа ундаги ҳеч бир нарсани эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилди. Музейнинг янги экспозицияси 2003 йилда ўзбек халқининг тарихи ва унинг давлатчилигини ўрганиш концепцияси асосида яратилган бўлиб, Ўзбекистон

тарихининг энг қадимги даврларидан, ҳозирга қадар бўлган тараққиётини намоён этади. Шунга асосан энг қадимги замонлардан бошлаб, Ўзбекистон ҳудудида кечган тарихий-маданий жараёнлар, уларнинг ривожланиб бориши ва бу ерда шаклланган цивилизациянинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни ҳамда аҳамияти акс эттирилган. Ибтидоий тузум даврини ифодаловчи экспонатлар Ўзбекистон ҳудуди Шарқ цивилизациясининг энг қадимги ўчоқларидан бири бўлганлигидан гувоҳлик беради. Унда деҳқончилик, чорвачилик ва ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, хунармандчиликнинг ривожланиши, зардуштилик, қадимий Шарқнинг юқори даражада ривожланган марказлари билан ўзаро маданий алоқалар, мураккаб ички тузилмаларга эга бўлган қалъа ва илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ҳамда йирик давлатларнинг ташкил топиши акс этган. Шунингдек, худудимизда

яшаган халқларнинг аҳмонийлар, грек-македонияликлар ва сосонийларга қарши кураши, хоразмийлар, бактрияликлар, Фарғона давлати ҳамда Кушон салтанати ҳақида кенг ва батафсил маълумотлар берилди. Девор ёзувлари, ҳайкалтарошлик, буддавийлик билан боглиқ меъморчилик аънаналари экспозициядан алоҳида ўрин олган. Ўзбек халқининг ўрта асрлардаги буюк маданий мероси экспозицияда алоҳида ўрин эгаллаган. Айниқса, Темур ва теурийлар даврига бағишланган экспозицияда Соҳибқирон бобомиз ҳаёти ва фаолияти, айна шу даврда фан ва маданиятнинг юқори даражада ривожланганлиги ҳақида ҳикоя қилувчи кўлаб экспонатларни кўриш мумкин. Музейнинг охириги экспозицияси мустакил Ўзбекистоннинг қисқа давр ичида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда эришган улкан ютуқларига бағишланади. Утган 19 йил мобайнида мамлакатимиз жаҳонга танилди ва ундан муносиб ўрин топди. Шу вақт ичида юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, унутилаёзган миллий қадрият, аъна ва урф одатларимиз қайта тикланди... Музей экспозициясидаги экспонатлар томошабинларга ана шулар ҳақида "ҳикоя" қилади. Музей экспонатларини томоша қилар экансиз, юртимизда миллий хунармандчилик ўтмишда ҳам юксак даражада ривож топганига гувоҳ бўласиз. Бу айниқса экспозициялардаги XVIII-XIX асрларда яшаган хунармандлар томонидан яратилган сопол буюмлар, қандакорлик маҳсулотлари, Бухоро бахмали, адраси ва зардушлик санъати намуналарида яққол акс этади. Музей ҳар доимгидек гажум. Лекин, шундай бўлса-да томошабинларга экспонатлар тарихидан ҳикоя қилаётган музей ходимларининг овозини ҳисобга олганда гаройиб жимлик ҳукмрон. Кекса тарих гўё тафаккур уммониға фарқ бўлгандек. Фурсатдан фойдаланиб, мазкур даргоҳ зиёратига келган меҳ-



монларнинг музей ҳақидаги таассуротлари билан қизиқдик.

### Жамолиддин ҚУЛЖОНОВ, Самарқанд вилояти:

— Тўғриси, бу музейга биринчи бор келишим. Шунданми, ҳайрат ва ҳаяжоним чексиз. Китобдан ўқиган бошқа, кўз билан кўрган бошқа экан. Мени айниқса, Амир Темур ва теурийлар даври ренессанси бўлими эътиборимни тортиди. Уша даврни акс эттирган экспонатларга разм солиб, жаҳон илм-фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган шундай буюк аждодларимиз борлигини ҳеч қачон унутмайлик.

### Хоразм вилояти Хонқа туманидан набираси билан катта ташлаб Эшнӣё ота ҳам катта таассуротлар билан қайтмоқда.

— Набирам тарих фанига жуда ҳам қизиқам. — дейди Эшнӣё ота. — Шу боис ҳар сафар пойтахтга келганимизда, албатта, битта музейга олиб бораман. Бу гап тарих музейини тандлик, Бу ерда илгари ҳам бир неча бор бўлганмиз, лекин ҳар сафар, албатта, ўзгача таассурот билан қайтамиз. Қолаверса, набирам тарих фанидан мактабда олган билимларини шу ерда яна бир бор мустаҳкамлайди. Биз ўқиган даврларда бундай имконият йўқ эди. Тарихимизни буткул нотўғри талқин қилиб беришарди. Шукри истиклол туфайли тарихий ҳақиқат қолаверса, маъна-

вийатимизнинг бир бўлаги бўлган музейларимиз тикланди.


Эшнӣё ота айтганидек, музейлар миллатнинг маънавий ривожига муҳим аҳамият касб этади. Шу боис истиклол йилларида музейларимизни янада такомиллаштиришга қаратилган қатор Фармон ва Қарорлар қабул қилинди. Хусусан, 1994 йилда Вазирлар Маҳкамасининг "Музейлар фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, 1998 йилда эса Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

— Ўзбекистон тарихи давлат музейи Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 апрелдаги Қарорига мувофиқ қайта ташкил этилди, — дейди музей директори Жаннат Исмоилова. — Ҳозирги кунда музей фондида 250 мингдан ортиқ тарихий, санъат ва маданият ёдгорликларидан иборат осори-атикалар сақланади. Унинг 60 мингтаси археология, 20 мингдан зиёди нумизматика ва 16 мингдан ортиги этнографияга тааллуқли. Бундан ташқари музейда 100 мингга яқин архив ҳужжатлари ва китоблар сақланади. Музейнинг ўз архив ва кутубхонаси бор. Музей фаолияти давомида олимлар томонидан илмий, илмий-оммабоп асарлар, альбом, буклет, турли кўрсаткичлар, мактаб

қувчилари ва талабалар тарбияси учун илмий-методик қўлланмалар нашр этиб келинмоқда. Мустакиллик йилларида музейда бир қанча каталог, йўлқўрсаткич, буклет, монографиялар, жумладан, "Ўзбек миллий кийимлари (XIX-XX асрлар)", "Темур ва теурийлар даврида пул муомаласи", "Каталог металлчески ва керамически изделия Узбекистана XVIII — XX вв.", "История новой части г.Ташкент XIX — XX вв.", "Ўзбекистон дўппилари" каби тадқиқотлар чоп этилди.

Доимий экспозициядаги асарлар кўргазмасидан ташқари фонд материаллари асосида веб-сайтлар яратиш, кўргазмалар ташкил этиш, мавзули тадбирлар ўтказиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Бундан ташқари музей хорижда ўтказилган кўргазмаларда ҳам фаол иштирок этиб, мамлакатимиз тарихи ва маданий меросини тарғиб қилиб келмоқда. Айниқса АКШ, Япония, Корея, Малайзия, Германия, каби давлатларда ташкил этилган кўргазмаларда музей экспонатлари хориқликларда катта қизиқли ва таассурот уйғотди. Очиги, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ҳақида узоқ гапириш мумкин. Бироқ юз бор эшитилган бир бор кўрган маъқул деганларидек, уни бориб кўрганга не етсин.

Камолiddин ХОТАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири



### МУЛОҲАЗА

Келажак авлодларга овоз ва обод Ватанимизда эришилаётган салмоқли ютуқларни йирик санъат асарлари, хусусан, кинокартиналарда акс эттириш муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, халқимиз орасидан етишиб чиққан, она Ватанга муҳаббат, истиклол гоёларига садоқат руҳида тарбияланган, матонатли ва маънавий етук инсонлар қўлфасини катта экранга олиб чиқиш киноижодкорлар олдидаги масъулиятли ва энг муҳим вазифалардан бири саналади.

яратилди. Уларда мақсад аниқ акс эттирилган. Мазкур фильмларни кўриб, ўзбек томошабини ўзлигидан гурурланди, ифтихор қилди. Чунки яратилган ушбу фильмлар ёшларнинг мурғак қалбига ўз юртининг маданиятига, урф-одатига бўлган қизиқиши, садоқати ва хурматини ортиб боришига сабаб бўлди.

— Ҳозирда кинозалларида намоён этилаётган фильмларнинг барчасини ҳам бирдек яхши дея олмаيمиз, — дейди ўқитувчи Моҳира Нурова. — Аксарият киноларимизда севи-муҳаббат, ҳаёти-

бўлмасин баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Жамятининг қайси соҳасида бўлмасин, пойдевори мустаҳкам ташлаб эса мақсадга мувофиқдир.

Дарҳақиқат, кинофильларимизда замонамиз қахрамонлари кўнгилдагидек талқин этилмапти. Асосий гоёси севи-муҳаббатга боғланиб қолган энгил-елпи, томошабинни фалсафий мушоҳадага чорламайдиган мазкур фильм қахрамонлари бугунги ёшларнинг идеали бўлиши мумкинми? Шиддаткор замонда турли ёт оқимлар ёшлар орасига "бости-

талабларни кўйишга ҳақли. Кино соҳасига ёш киноижодкорларнинг шиддат билан кириб келаётгани яхши, албатта. Бироқ улар катта ёки ўрта авлод вақилларига нисбатан шохма-шошарликка дуч келаётганлиги сезилиб қолмоқда. Хусусан, уларнинг режиссёрлик, операторлик маҳорати жиҳатидан кинонинг специфик хусусиятига зид келувчи хатоларга йўл қўйилаётгани кузатиш мумкин. Сунги икки йил ичида давлат буюртмаси асосида суратга олинган "Ой остидаги ҳовли", "Сув ёқала", "Чол ва набира", "Ойдиной",

ҳолатини кўриб ачинади, киши. Бугунги томошабиннинг диди баланд. Ҳийла найранг, маънавий озуксиз, вақтни ўғирлайдиган кинофильмлар кўрсатсангиз, уларнинг сизга бўлган инсончи ва эътиборидан маҳрум бўласиз.

Мустакиллик йилларида ўзбек киносини жаҳон кино санъати билан рақобатлаша оладиган даражага олиб чиқиш, халқимизнинг ўзига хос менталитетини, маданияти, қадриятини, аъна ва урф-одатини акс эттирувчи миллий картиналар яратиш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Соҳага кўрсатилаётган юксак эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбеккино" Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қароридан яққол ифодасини топди.

Айтиш жоизки, ушбу муҳим ҳужжатлар қабул қилиниши билан, аввало, миллий кинони ҳозирги замон талаблари асосида, индустриал тарзда тараққий эттириш, юқори гоёвий-бадий поғоналарга кўтариш, ҳаётлиги ва эстетик

### Улар наздида экран орқали томошабинни қулдириш, ёшларга энгил муҳаббат моҳароларини кўрсатиш ёки ота-она ва фарзанд ўртасидаги келишмовчиликларни юқори даражада сентиментал сюжетлар билан бойитишнинг ўзи етарли бўлиб туюлади.

да экран орқали томошабинни қулдириш, ёшларга энгил муҳаббат моҳароларини кўрсатиш ёки ота-она ва фарзанд ўртасидаги келишмовчиликларни юқори даражада сентиментал сюжетлар билан бойитишнинг ўзи етарли бўлиб туюлади. Фильм экранларга чиқарилган, йиғлоқи ҳинд кинофильмларини эслатуви эпизодларни, бачкана импровизацияга берилиб, томошабинни қулдиришга зўр бераётган актёрнинг аянчили

таъсир кучини ошириш, унинг мунтазам тарғиботини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратилди. Зеро, биз барпо этаётган жамиятда камол топаётган шахс юксак мафкуравий дунёқараш эгаси бўлиш билан бирга, нафис дид, гўзал туйғулр, ижодкорлик қобилияти соҳиби бўлмоғи даркор.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, "Туркистон-пресс"

# Кино — муҳим тарбия воситаси

## Дарҳақиқат, кинофильларимизда замонамиз қахрамонлари кўнгилдагидек талқин этилмапти. Асосий гоёси севи-муҳаббатга боғланиб қолган энгил-елпи, томошабинни фалсафий мушоҳадага чорламайдиган мазкур фильм қахрамонлари бугунги ёшларнинг идеали бўлиши мумкинми?

тира оладиган қахрамонлар кўлаб фильмларимизда акс этган. 1940 йиллар сўнггида яратилган "Навой", "Тоҳир ва Зухра" фильмларида ўзбек классикасининг буюк намоён Алишер Навоий асарларини ва унинг ҳаётини кўраимиз. Уша фильмларни кўрган томошабин, аввало ундаги кучли фалсафани ва мантиқни илғай билади, шунингдек, буюк Навоий ҳаёти билан танишади. Мазкур фильмлар орқали халқ ўзлигини, буюк боболари ҳаётини, уларнинг кимлигини англайди. 1960-70 йилларга келиб "Мафтунингман", "Тўйлар муборак", "Утган кунлар", "Меҳробдан чаён", "Суюнчи", "Келинлар кўзгалони" "Шум бола" каби ўзбек киносининг дурдона фильмлари суратга олинди. Ушбу фильмлар ҳам миллий маданиятимиз, урф-одатларимиз тимсолида

мизда учраб турган сийқаси чиққан воқеа-ҳодисалар бачкана тарзда талқин этилиб, асосий гоё сифатида кўрсатилапти. Бизнинг ўзимизга хос бўлган миллийлигимиз бор. Ундан четлашишга эса ҳаққимиз йўқ, Чунки, бу эртанги кун ворислари бўлган ёшларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ушбу севи-муҳаббат ёки бачкана комедия билан ёшларни Ватанга садоқати, фидойи инсонлар қилиб воғга етказиш жуда мушкул. Айни вақтдаги кино санъатимизнинг асосий камчилиги ҳам ёшларни ўз ортидан эргаштирадиган қахрамонларни фильмларда акс этмаётганидир. Яратилаётган ҳар бир фильмда қандайдир гоёга хизмат қилувчи мафкура бўлиши кинонинг асосий кунун-қондаси ҳисобланади. Шунингдек, айтиш жоизки, санъатнинг қайси тури

риб" келаётган шароитда ўзбек киносини ёвуз мақсадли иллатларни асл "башарасини" очиб ташлаб, оммага кўрсатиш, уларга қарши курашиш йўлида мазмунли, оммабо, томошабинлар орасида шовшув бўладиган фильмлар ишланиши долзарбдир. Шубҳасиз, кино санъати воситасида эркин демократик жамяят барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ўзгариш ва ютуқларини, миллий истиклол гоёси мазмун-моҳиятини янада теран, бадий акс эттириш, кинематография соҳасининг халқимиз ҳаётидаги, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳамда таъсирини кучайтириш муҳим масаладир.

— Кино инсон онги ва руҳиятига кескин таъсир этувчи восита сифатида ҳамон етакчилик қилмоқда, — дейди киношунос Шохид Эшонбобоева. — Шу боис, яратилаётган кинофильмларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида аҳамият берилдики, зеро ёш авлод тарбиясига салбий таъсир этмасин. Ўзбек кино санъатининг шаклланиши ва ривожланиши бошқилари тарихини билган инсон замондош киноижодкорларимизга юксак

# ЖАРАЁН

БУГУН

## Улуғбек юлдузлари

мангу порлагай

### САМАРҚАНД САЙЁРАСИ

*(Юртимиз олимлари томонидан шу пайтгача фанга номаълум бўлган янги сайёра аниқланди ва у 2010 йилда жаҳон астрономлари ташкилоти томонидан расман эътироф этилиб, "Самарқанд" сайёраси номи билан "Кичик сайёралар Ҳаққаро каталоги"га киритилди.)*

Мирзо Улуғбекнинг нигоҳи уйғоқ, Ҳамон юлдузларга ошён Самарқанд. Шубҳа қилсанг, зижу жадвалларга боқ, Янги сайёрага нишон — Самарқанд!

Ҳеч нарса тасодиф эмас дунёда, Ҳақ Тангри азми-ла айланар даврон. Бу юрт азалдан зўр илму зиёда, Буюклар диёри аталгай ҳамон!

Соҳибқирон Темуру руҳи мададкор, Бухорий, Навоий пойи муқаддас. Бундадир Кўксарой, Намозгоҳ, Шердор, Дунё сайёҳлари қилурлар ҳавас.

Регистон майдони жаҳон санъатин Буюк саҳнасига айланди чиндан, Дунё тингламоқда юртим даъватин: Ҳаққаро буюк миллат, каммас ҳеч кимдан!

Боиси ундадир буюк бир мерос, Маънавий қадрият илму ирфон ҳам. Ҳатто Афинани қилганда таққос, Самарқанднинг шаъни тургай муҳтарам.

Бежизга демаслар замин сайқали, Самарқанд чиндан-да табаррук шаҳар, Бундан-да улғувор бўлгуси ҳали, Бундан-да толеи бўлгуси музаффар!

Бежизга бу юртдан чиқмас даҳолар, Бу юртга Тангрининг тушган назари, Самарқандга лойиқ сўз ийқ улғувор, Унга тенг келмагуси оламнинг зарри.

Бугун ҳам шу фикр дилда устувор, Ҳақ сўзининг бўлмагуси шубҳа, гумони. Ахир олам билар, юртни улғувор Буюк Давлат қилган шу юрт уғлони!

Мирзо Улуғбекнинг нигоҳи уйғоқ, Ҳамон юлдузларга ошён Самарқанд. Истансун Юлдузлар қарвонига боқ, Барча сайёрага Сарбон — Самарқанд!

**Олимжон ҲАҚИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси**  
**Конунчилик палатаси депутати**

Зотан, юртимиз олимлари томонидан янги сайёраларнинг кашф этилиши Мирзо Улуғбек илмий мактаби ҳали ҳам давом этаётганлигидан нишондир. Самарқанд шаҳридаги бу мажмуа бугун ватандошларимиз ва хорижий сайёҳлар билан гавжум. Уларнинг чеҳраларида фахр-ифтихор туйғуси балкиб турибди. Биз уларнинг айримларини фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

**Ақтам ҲАҚИМОВ,**  
**Самарқанд Давлат архитектура ва**  
**қурилиш институти профессори:**

Кўҳна ва навқирон Самарқандда буюк аллома Мирзо Улуғбекка мос ва хос бўлган зияратгоҳ барпо этилди, десак муболага бўлмайди. Чунки Мирзо Улуғбек том маънода ҳам олим, ҳам шоҳ сифатида миллат фаҳри саналади. Олимнинг жаҳон астрономия фанига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Президентимиз раҳнамолигида унга бу қадар эътибор ва ҳурмат кўрсатилиши бежиз эмас. Келажакимиз бўлган ёшлар ана шундай буюк аждодлари борлигидан фахрланиб яшайдилар. Уларга ҳам ҳавас қилиб ҳам муносиб авлод

бўлишга интиладилар. Биз илдишлари бақувват миллатимиз. Илдизи бақувват дарахт ҳам узоқ яшайди, ҳам юксакликка буй чўзади.

**Жерард МАРЛИН,**  
**франциялик олим:**

Мен асосан тилшунослик соҳасида илмий изланишлар олиб бораман. Ўзбекистонга ҳар икки йилда келаман. Самарқандга келсам, албатта, Улуғбек расадхонасини зиёрат қилмасдан кетмайман. Бундан икки йил аввал келиб, фахрий меҳмонлар китобига ўз хотираларимни ёзиб қолдирганим. Бу галги сафарим кутлуг байрамга — янги музейнинг очилиш кунларига тўғри келди. Очиғини айтсам, ниҳоятда қисқа муддатда амалга оширилган бундай бунёдкорлик ишларини кўриб хайратландим. Уни бунёд этганларга чин дилдан раҳмат айтдим. Сизнинг юртингизда аждодларни ниҳоятда қадрлашар экан. Бундан ташқари, бугунги Самарқандни, қурилган замонавий иншоотлар, йўл ва кўприкларни кўриб ҳавасим келди. Насиб қилса, юртимга бориб Самарқанд ҳақида кўрганларим ва билганларимни дўстларимга, ватандошларимга айтиб бераман.

Мирзо Улуғбек мажмуасининг очилиш маросимида бир киши менга ажайиб воқеани айтиб берди. Президент Ислам Каримов Парижга борганларида ЮНЕСКОнинг уша пайтдаги раҳбари Федерико Майор Улуғбек ҳақида гапириб, Мирзо Улуғбек оддий асбоблар ёрдамида 1200 дан зиёд юлдузлар ҳаракатини ўрганган. Ҳозирги компьютерлар ёрдамида ўлчаб қўрилганда у атиги ярим дақиқа адашганлиги маълум бўлди, деганида Ислам Каримов: "Йўқ, жаноб, Улуғбек эмас, сизнинг компьютерларингиз адашган", деб оқилона жавоб қайтарган эканлар. Бу ўз аждодларидан фахрланишнинг энг олий намунасидир.

**Мубаро БАРАКАЕВА,**  
**Боғишаро саноят касб-хуна**  
**коллекжи директорининг ўқув ишлари**  
**бўйича ўринбосари:**

Одамлар асрлар давомида Кўёш, Ой сингари сайёралар осмонда муайян қонуният бўйича ҳаракатланишини сезишган ва бу ҳодисаларни ўргана бошлаган. Буюк ўзбек олими Улуғбек ана шундай кишилардан бири бўлган. Унга қадар ва кейин яшаган олимларнинг бу борадаги изланишлари тўғрисида астрономия осмон жисмларининг ҳаракати ва ривожланишига оид қонунлар ҳақидаги фан сифатида пайдо бўлди. Ҳозирда маълум кичик сайёралардан бештасининг номи Ўзбекистон билан боғлиқ. Булар "Ўзбекистония", "Авиценна", "Улуғбек", "Беруний" ва "Хоразмий" номлари билан аталган кичик сайёралардир. Бу номлар турли йилларда хорижий астрономлар томонидан кашф этилган кичик сайёраларга мамлакатимиз ва буюк боқоқлонларимиз хизматларининг эътирофи сифатида берилган. Янги кичик сайёранинг Самарқанд Давлат университети олимлари томонидан кашф этилиши ҳам Мирзо Улуғбек даҳосининг давомилигидир.

**Хотира УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
**Самарқанд шаҳридаги**  
**16-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:**

Самарқандда бунёд этилган Мирзо Улуғбек ҳайкали ва музейи қадриятларимизни улғулаш, айнакса, ўсиб келаётган ёш авлодни буюк аждодларимиз анъаналарининг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш, халқимизга хос анъана ва қадриятлар руҳида, юксак маънавиятли инсонлар бўлиб камол топишларини таъминлаш буюк вазифа бўлади. Олимнинг жаҳон астрономия фанига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Президентимиз раҳнамолигида унга бу қадар эътибор ва ҳурмат кўрсатилиши бежиз эмас. Келажакимиз бўлган ёшлар ана шундай буюк аждодлари борлигидан фахрланиб яшайдилар. Уларга ҳам ҳавас қилиб ҳам муносиб авлод

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

лим мактабларда Ziyonet тармоғининг иш олиб бориш тизими, фаолияти, ўқувчиларнинг сайтдан фойдаланишига иштиёқларини ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик. Шунингдек, семинар доирасида мактаблардаги мавжуд ахборот-ресурс марказларининг моддий-техника базаси аҳолини ўрганиши, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқувчилар, шунингдек, маҳаллий аҳолининг мунтазам равишда ушбу марказлардан фойдаланишлари ва ўз устиди ишлашлари юзасидан фикр алмашдик.

Семинарда умумтаълим мактабларидаги ўқув жараёнига ахборот технологияларини жорий этишнинг долзарб масалалари, фанларни ўқитиш ва саводхонлик, узлуксиз таълимни таъминлашда илгор педагогик технологиялардан фойдаланиш, компьютер ёрдамида ўқувчилар билимини синаш ҳамда баҳолаш каби мавзуларда маърузалар қилинди. Семинарнинг муҳим хусусияти шундаки, бу ерда соҳа ходимларига кенг тушунарлик бериш билан бирга, амалий машғулотлар ҳам ўтказилди.

"Туркистон-пресс"

### КАДРИЯТЛАРИМИЗ

## Оила соғлом бўлса...

Юртбошимиз ташаббуси билан 1998 йилни "Оила йили" деб эълон қилинганлиги оила манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланганини яққол намунасидир.

**Муhiba ИМОМОВА,**  
**Когон туман ФХДЭ бўлими мудираси**

Президентимиз "Юксак маънавият — энгилмас куч" номи асарига "...ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлашнинг маънавий кўргани бўлиши оилани мустақамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим", деган эдилар. Шу маънода айтиш мумкинки, оила халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган ғоят муҳим ҳаётий қадриятларидан биридир. Оила — жамиятнинг кичик бўғини, соғлом ва баркамол авлодни камолга етказувчи табаррук маскан ҳисобланади. Ин-

соннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов айтганларидек: "Оила қуриш дегани фақат икки инсон ўртасидаги шахсий муносабат эмас, балки жамиятнинг асосини, айтиш мумкинки, энг муҳим бўғинини белгилайдиган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади". Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ёшларимизга оила қуриш нақадар муҳим ва маъсулантириш эканини аниқлаштириш, соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, оилалар мустақамлиги ва манфаатларини таъминлаш, соғлом фарзанд ўстириш, тарбиялаш ва вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Модомки шундай экан, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом оиланинг дунёга келиши юрт ва миллат тақдирига дахлдор масаладир. Доно халқимиз айтганидек, "Оила тинч бўлса — юрт тинч бўлади". Шу боис, мамлакатимиз раҳбари раҳнамолигида соғлом оилани вужудга келтириш жараёнига пухта ва амолли замин тайёрланмоқда.

Чунки, оила соғлом бўлса, жамият соғлом, мамлакат қудратли, юрт тинч ва осойишта, халқ эса бой бўлади.

### ФАОЛИЯТ

## Бахмал — миллий либос

Самарқандда ҳозир унинг ўн хил тури тайёрланаяпти

Бахмал ўзбек хонадонига жуда яқин матолардан бири саналади. Уйга меҳмон келса, албатта бахмал кўрпачалар солинади. Қизи бўйига етса, яхши ният билан унга атаб бахмал кўрпачалар тикилади. Бахмал кўрпачалар ўзбек хонадонининг доимо тўрида туради, меҳмонхонада тахланади. Шу боисданми Самарқанддаги "Бахмал" ишлаб чиқариш корхонаси анча довруғ қозонган эди. Бироқ, турли хил узил-лишлар сабабли у маълум бир муддат оқсаб қолди. Ана шундан кейин, яъни 2010 йилнинг апрелидан корхона "Халқамир Меҳр" масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди.

**О.ХОЛИҚУЛОВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Асосий мақсадимиз корхона ҳам тиклаш, ҳам сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган, — дейди жамият раиси Мирсаид Жўракулов. — Шу боис, олдимизда жуда катта масъулият турганлигини яхши ҳис қиламиз. Қувончлиси, бугунги кунда бахмал ишлаб чиқарувчилар сони вилоятимизда анча кўпайди. Лекин, гулли бахмаллар асосан бизда ишлаб чиқарилади. Айни

пайтда олмача гули, бодринг гули, пахтавой, қора тош, катта нақш сингари бахмал турларини кўпайтириш ва бойитиш устиди изланишлар олиб бораёямиз.

Бугунги кунда корхонамизда гулли бахмалнинг 10 хил нусхаси ишлаб чиқарилиб, улар, асосан ички бозорда сотилмоқда. Корхонанинг тўқув, бўёқ, ишлов бериш ҳамда тайёрлов цехларида юз нафарга яқин ишчи меҳнат қилади. Корхона раҳбарияти асосий эътиборни тартиб-интизом, ишчиларга гамхўрлик қилиш, ижтимоий ҳимоялаш, улар оиласининг фаровон яшашини унун шарт-шароит яратишга қаратмоқда. Ишчилар олис-яқинда яшайдиган қатъий назар автобусда бепул олиб келинади, ҳам олиб бориб қўйилади.

Корхонадаги бешта цехда иш жараёни қатъий тартиб-интизом асосида олиб борилади. Келтирилган тала босқичма-босқич технология жараёнда ўтиб сифатли бахмалга айланади.

Корхонада устоз-шоғирд анъанаси йўлга қўйилган, — дейди ка-

саба уюшмаси раиси Ашир Дўстқобилов. — Масалан, Тolib Ботиров бўёқлаш цехининг бошлиғи бўлиб ишлабди. Унинг отаси Раим бобо ҳам аввал шу ерда оддий ишчи, кейин цех бошлиғи вазифасида ишлаган. Онаси, опаси ҳамда турмуш ўртоғи ҳам шу корхонада фаолият юритган. Нурмамет Нурмухамедов оиласидан эса 5 нафар киши турли цехларда ишлайди. Қолаверса, уларнинг ота-боболари ҳам шу ерда меҳнат қилишган, касб сир-асрорларини фарзандларига ўргатишган. Корхонада меҳнат қилаётган тўқувчилардан Фарид Тўхтаева, Гулбахор Аббосова, Зубайда Исмоилова ва Гулсара Қаҳқорованинг фидойилигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Корхонада бир қанча тиббий хизмат пунктлари, аёллар учун гигиена хонаси ва соғломлаштириш бўлими фаолият кўрсатмоқда. Ишчиларга икки маҳал иссиқ овқат, махсус кийимлар берилади. Маънавият ва маърифат хонасида эса ўнлаб турдаги газета-журналларни ўқиш, янгиликлар билан танишиш имконияти мавжуд.

### ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

## Вояга етмаган ёшлар

доимий эътиборда

Мухтарам Юртбошимизнинг «Ҳаётимизнинг қайси соҳасини олмайлик уларнинг барчаси охир-оқибатда шу масалага, яъни бизнинг қандай жамият қуришимиз ва шу жамиятга муносиб авлодни тарбиялашимизга бориб тақалади», деган пурмаъно сўзларида келажакимиз эгалари бўлган ёшларни жисмонан ва маънан соғлом, ҳар томонлама етук, баркамол, интеллектуал салоҳиятли инсон сифатида вояга етказиш мақсади ифода этилган. Зеро, ёшларимизнинг билим ва салоҳиятини ошириш мамлакат тараққиётининг асосий омилларидан ҳисобланади.

**Анорбой НОРКУЛОВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Мамлакатимизда ёшлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш мақсадида бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарориди ҳам юртимизда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ҳамда жамият учун хавфли бўлган бошқа ҳаракатларга қарши курашни кучайтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб қўйилган. Хукукни муҳофаза қилиш органлари томонидан қарор ижроси юзасидан муайян ишлар амалга ошириляпти.

Сирдарё вилоятида ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига, уларнинг билим олиши ва танлаган касбини эгаллашлари учун кенг имкониятлар яратилад. Утган ўқув йилида вилоятдаги 303 та умумтаълим мактабларида 121 миң нафар ўқувчи, 48 та касб-хунар коллежлари ва 4 та академик лицейда 44 миң 113 нафар ёшлар таълим-тар-

бия олдилар. Утган давр мобайнида жаҳон андозаларига жавоб берадиган замонавий мактаб ва коллежлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Улар энг замонавий ўқув жиҳозлари, зарур қўлланма ва адабиётлар билан тўлиқ таъминланган.

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаган ёшлар ишлари бўйича комиссияси тегишли идоралар билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшларнинг тарбияси, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Мактабларнинг 9-синфини яқунлаган ўқувчиларни ўрта-махсус касб-хунар коллежга ўқишга жойлаштириш касб-хунар коллежи битирувчиларининг меҳнат билан бандлигини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда меҳнат ярмаркалари ўтказилиб бориляпти. Яқинда Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган «Бўш иш ўринлари ва меҳнат ярмаркаси»да 300 нафардан зиёд ёшлар иш ўринларига эга бўлдилар. 150 нафар ёшларга эса меҳнат қонунчилигига доир ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Вилоятда ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп болали эҳтиёжманд оилалар фарзандларига, болаликдан туғма ногиронларга ўз вақтида моддий кўмак бериб бориляпти. Йилнинг ўтган биринчи ярим йиллиги давомида вилоят меҳнат аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармаси томонидан 500 нафардан зиёд ногирон болаларга моддий ёрдамлар ажратилди. Маҳаллаларда, таълим-тарбия муассасаларида тушунтириш ва тарғибот ишлари ўтказилди ва болалар соғлиғи ва маънавиятига зарар етказадиган зўравонлик, гийёҳандлик, беҳаё турмуш тарзини тарғиб қиладиган маълумотлар тарқатилишининг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Баркамол авлод — таянчимиз. Юрт келажиги, эртанги кунимиз бунёдкори бўлган ёшлар миллат ва Ватан истиқлолини белгиловчи қудратли кучдир. Демак, уларни тарбиялаб, камолга етказишда барчамиз фаол бўлмоғимиз керак.

### СЕМИНАР

## Ziyonet — ягона ахборот таълим тармоғи

Мирзо Улуғбек туманидаги 71-умумтаълим мактабида Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирилик тизимидаги ягона ахборот таълим тармоғи саналган Ziyonet фаолиятини янада ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда Халқ таълими вазириликка қарашли Ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда Ziyonet бўлими ходимлари, тумандаги барча умумтаълим мактабларининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари ва информатика фани ўқитувчилари иштирок этди.

Унда Халқ таълими вазириликка қарашли Ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда Ziyonet бўлими ходимлари, тумандаги барча умумтаълим мактабларининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари ва информатика фани ўқитувчилари иштирок этди.

Семинарда сўз олганлар таълим тизими ходимлари бугунги кунда пойтахтимиздаги 200 га яқин умумтаълим мактаблари Ziyonet порталда ўз сайтларини очиб, интернетга уланаётгани, сайтларда нафақат мактаб фаолияти балки, таълим тизимида амалга оширилаётган янги наслот ва янгиликлар билан танишиш имконияти яратилгани борасида тўхталишди.

— Таълим тизимининг ягона тармоғи саналган Ziyonet фаолиятини ривожлантириш мақсадида пойтахтдаги туман халқ таълими бўлими кўмағида умумтаълим мактаблари раҳбарлари ва ахборот-ресурс марказлари ходимлари иштирокида семинарлар ўтказиб бориш яхши анъанага айланган, — дейди Халқ таълими вазирилик ҳузуридаги Ziyonet бўлими мутахассиси Жасур Уринов. — Бугунги кунга қадар кўпгина умумтаъ-



(Давоми. Боши 1-бетда)


# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## БИЗНИНГ ШАРҲ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатган маълумотларга кўра, бугунги кунда ғарбий Нил вирусига чалинганлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Мазкур касалликдан, айниқса, Россия, Греция, Туркия, Марокаш ва Жазоир аҳолиси кўпроқ азият чекаётди. Юқумли касаллик бошқа хуудларга тарқалиб кетмаслиги учун ушбу минтақаларда юқори малакали мутахассис-у шифокорлар фаолият олиб боришмоқда, тарғибот ишлари кучайтирилган.

## Ғарбий Нил вирусининг хавфи

иссиқ ўлкалардан тортиб совуқ минтақаларгача таъсир этмоқда



Шарофиддин Тўлаганов

Ғарбий Нил вирусини юқумли касаллик бўлиб, бош мия шомлаши оқибатида оғир менингитни келтириб чиқаради. Бу касаллик илк бор ўтган асрнинг 30-йилларида Угандада кузатирилган эди. Ушундан 1937 йили илк марта бемор аёлнинг қони текширилганда, у Ғарбий Нил вирусини юқтириб олгани аниқланди. Авваллари бу касаллик фақат шимолий Африкага хос деб айтилган эди. Бироқ кейинчалик бу касаллик

на бошланди. Статистик маълумотларга қараганда, Россияда Ғарбий Нил вирусини билан боғлиқ 73 та ҳолат қайд қилинган. Шундан 65 нафар бемор Волгоград шаҳрида, қолганлари эса вилоятнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қиладигани таъкидланмоқда. Тахлилчилар беморлар сони яна ортиши мумкин, деган хавотирлари билдиришмоқда. Айниқса, мазкур касалликдан Грецияда 99 киши (улардан 6 нафари вафот этди), Туркияда 16 киши Ғарбий Нил вирусига "чалинган" расман эълон қилинди. Эпидемия, шу-

нингдек Марокаш ва Жазоирда ҳам кузатишмоқда. Волгоград минтақавий бошқармаси ходимлари олти кишининг Ғарбий Нил вирусига чалиниб, ҳалок бўлгани ҳақидаги маълумотни тарқатишди. Авваллари россиялик шифокорлар бу турдаги касаллик ҳақида етарлича маълумотга эга эмасди. Айни пайтда улар иссиқ минтақаларда тарқаладиган бу касаллик совуқ хуудларга қандай келиб қолгани ҳақида бош қотиришмоқда. Айни дамда касаллик Африка ва Осиё китъаларида ҳам кузатишмоқда. Вируснинг ўрта

тақаларида яна Ғарбий Нил вирусини пайдо бўлди. 2003 йилдан 2007 йилгача Венгрияда ҳар йили 6 та ҳолат рўйхатга олинган. 2008 йил октябрь ойи охирида бу касалликка чалинган 14 кишига тиббий ёрдам кўрсатилган. Руминияда Ғарбий Нил вирусини билан боғлиқ эпидемия 1996 йилда пойтахт Бухарест ва мамлакат жанубий-шарқидида қайд қилинди. Уша йили қарийб 400 нафар киши мазкур касалликка чалинган маълум бўлди. Уларнинг 50 ёшдан ошган 17 нафари вафот этди.

Россияда мазкур касалликнинг кенг тарқалиши 1999 йил жанубий минтақаларда, жумладан Волгоград вилоятида қайд қилинди. Ушундан 492 кишининг Ғарбий Нил вирусига чалингани кузатирилган. Шундан бундан минтақадан инфекциянинг доимий ўчоғи мавжуд. Чунки касаллик тарқалиши учун бу минтақадан сув омборларининг кўплиги, ҳавонинг юқори даражадалиги сабаб бўлади. "Роспотребнадзор" вакиллари фикрича, бу йил касаллик тарқатувчи чивинларнинг сони ўтган йилга нисбатан 10 баробар кўп экан. Волго-Ахтуба минтақасида эса 20 баробар кўплиги айрилмоқда. Бу ўз навбатида 2 миллионга яқин кишининг вирусга чалиниши эҳтимоли борлигини аниқлади.

Мутахассисларнинг фикрича, Ғарбий Нил вирусини чивин чақиши оқибатида одамларга юқди. Чивинлар касаллик тарқатувчи сифатида кўрилади. Бу вирус чивинларнинг кўплаб турларида учрайди. Ҳашаротлар ўз навбатида бу касалликни паррандаларнинг қонини сўриш орқали юқтириб олишади. Айнан паррандалар иссиқ ўлкалардан касалликни совуқ ўлкаларга олиб келар экан. Касалликка болалар, 50 ёшдан ошган қариялар ва беморлар тез чалинади. Шу сабабли ҳам шифокорлар фуқароларга мурожаат қилиб, касаллик аломатлари пайдо бўлиши билангина мутахассисларга маълум қилишларини тавсия этишади.

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Қобулда осуда ҳаёт

Қобул шаба куни ўтказилган парламент сайловларидан сўнг яна осуда ҳаёт тарзига қайтмоқда.

Бу Толиблар ағдарилгандан сўнг амалга оширилган иккинчи сиёсий таъбир ҳисобланади. Кучайтирилган хавфсизлик чораларига қарамай, Толибон жангарилари Афғонистоннинг турли хуудларида портлашларни амалга оширган. Оқибатда 22 нафар одам ҳалок бўлган. Сайловларга қатнашиш кўрсаткичи 40 фоиздан ошмаган. Шунга қарамай, бу 2 йил аввал ўтказилган президентлик сайловларидаги иштирокчилар сонидан анча кўп. Эслатиб ўтамиз, мазкур сайлов натижалари октябрь бошида эълон қилинади.

## Янги мурожаат ва талаб

Жанубий Корея КХДРга кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдамини тўла ҳажмда қайта тиклаши мумкин.

Фақат бунинг учун Хенъян 2010 йилнинг мартида Сариқ денгизга чўкиб кетган "Чхонан" катери ҳалокати учун жавобгарликни тан олиши керак. Шунингдек, шимол расман уэр сўраб, айбдорларни жазолаши ҳам талаб этилади. Бу ҳақда Agence France-Presse хабар тарқатган. Эслатиб ўтамиз, 2008 йилга қадар Сеул ҳар йили Шимолий Кореяга инсонпарварлик ёрдамини сифатида 400 минг тонна гурuch етказиб берарди.

## 5 ой ўтгач ёпилди

ВР компаниясининг Мексика қўлтигида жойлашган авария ҳолатидаги нефть қудуғи тўла ёпилди.

Компания мутахассислари қудуғини цементлаб, ўрнатилган қурилмаларни олиб ташлашга мўваффақ бўлишган. Мексика қўлтигида жойлашган нефть платформасидаги портлаш шу йилнинг 20 апрелида содир бўлиб, 11 кишининг умрига зомин бўлган. Бу АҚШ тарихидаги нефть оқими билан боғлиқ энг йирик ҳалокат сифатида баҳоланди.

## Муқобил вариант

Германиянинг Фрайбург шаҳрида антиқа турар-жой бинолари қурила бошлади.

"Кунгабоқар" лақабини олган бу уйлар томига қуёш батареялари ўрнатилган. Улар доим қуёш томонга қарайди ва ундан қувват олиб, энергия тўплайди. Архитектор Ральф Дишинг айтишича, янги иморатлардаги фотозлектрик панеллар кунига 6,6 киловатт-соат ҳажмида электр энергияси тўплай олади. Бу эса бир уйда кун давомида сарфланадиган энергиядан беш баробар кўпдир.

## Линзалар қайтарилди

АҚШнинг "Johnson & Johnson" компанияси 9.0 радиусли 1 Day Acuvue (нарафилкон А) контакт линзаларини сотувдан қайтариб олмоқчи.

Боси, уларни тайёрлаш жараёнида ювиш чоғида хатога йўл қўйилгани аниқланган. Бу линзаларни тақданлар кўз ачиши ва оғриқ пайдо бўлганидан шикоят қилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

## РАНГИН ДУНЁ

Бугунги кунда бўйи уч метрга етадиган дарозлар деярли учрамайди. Аммо, қадимда баҳайбат инсонлар жуда кўп бўлган. Бу ҳақда дунё халқлари орасида ҳам турли ривоятлар афсоналар юради.

## Дарозлик

кимга кўрк, кимга ҳавас

Зафар МУҲАММАД

Қадимги грек манбаларида девқомат Орест ҳақида алоҳида сўз боради. Айтишларича, дафн олдидан унинг ўлчамлари олинган. Ушундан Орестнинг бўйи уч метрдан ошқилиги, ўзи эса ниҳоятда гўштор бўлгани қайд этилади. Қолаверса, император Август даврида ҳам шунга ўхшаш воқеа юз берган. Саллюстия бунда тер тўкаётган куллар қоя ичида икита улкан дахма борлигини, кимдир уларни атайин яшириб қўйганини пайқаб қолишди. Қабрлар кўздан кечирилгач, у ерда бир замонлар ана шу боғни жон-жаҳди билан қўриқлаган Скундилла ва Позео исмли дарозлар мангуга қўним тоғани маълум бўлади. Уларнинг бўйи салкам 3 метр бўлиб, кўринишдан кўпол ва қўриқчил бўлган эмиш. Шунданми унга чикқан ўғриллар ҳам боққа киришга журъат этолмаган. Ҳатто, боғ қоровуллари вафот этгач ҳам бу ерга ҳеч ким яқин йўлломлаган экан.

Шу кунга қадар дунёнинг бирорта гўшаси йўқки, у ерда буйдор одам қолдиқлари топилмаган бўлса. Масалан, 1950 йили Туркиянинг жануби-шарқидида ана шундай инсоннинг тос суғи, Шенин (Тунис) хуудидан эса уч метрлик одам скелети топилган. 1880 йили америкалик палеонтологлар Бредфорд шаҳри атрофида эски дахмага дуч келишди. Дахма очилгач, олимлар у ерда бўйи икки метрлик, суяклари хууд шох мисол бўртиб чиққан одам суякларини борлигига гувоҳ бўлишди. Шунингдек, ўтмишда ёш буйдорлар ҳам яшаган экан. Хусусан, Ликсус шаҳридан топилган 11 ёшли ўсмир скелети ўлчаб кўрилганида 2 метру 20 сантиметр чиққан. Чиндан-да энг баҳайбат одам скелети 1956 йили Филиппиндаги қазималар чоғида топилган бўлиб, унинг узунлиги 5,18 метрни ташкил этган. Олимларнинг қайд этишича, унинг ҳар битта тиши энига 5, бўйига 15 сантиметрдан, ҳаётлик пайтидаги бўйи эса 5 метру 40 сантиметрдан ҳам бўлмаган эмиш.

Тарихий маълумотларга кўра, Шотландия қироли Евгенийнинг хузурига бўйи 3 метру 50 сантиметрлик дароз йигитни олиб келишди. Бироқ, йигитнинг ранги докадек оқлигини, юзида касаллик аломатлари борлигини сезган қирол ўз хизматиға олишни истамади. У сарой аҳлининг бирор юқумли касалликка чалинишини хоҳламагани учун ҳам шундай йўл тутган кўринади. Замонамиз шифокорларининг гапига қараганда, ҳаддан ташқари дарозлик инсонни заифлаштиради экан. Энг ёмони, дарозларнинг умри жуда қисқа бўлиши кузатишган. Аксарият баҳайбат инсонларда гипофиз функцияси бузилгани боис, уларнинг миёсидида турли ўзгаришлар рўй бераркан. Хусусан, бўй билан боғлиқ ўсмиш гормонлари ўрта бўйли инсонларга қараганда кўпроқ ишлаб чиқариларкан. Натижада, уларнинг бўйи шунинг ҳисобига ўсишда давом этаверди. Кўпинча эркаклар орасида дарозлик белгилари 9-10 ёшида ёки жинсий ривожланиш даврида кўзга ташланаркан. Бунга 1761 йили Ирландияда туғилган Чарльз О'Брайен яққол мисол бўла олади. У 17 ёшга тўлганида бўйи 2 метру 54 сантиметрге етди. Шундан сўнг, у ўсишдан батамом тўхтади. О'Брайеннинг скелети ҳозирда Дублиндаги Қироллик тиббиёт коллежи музейида сақлаб келинаётган экан.

Албатта, башарият тарихида баҳайбат одамлар кўп бўлган. Шу боис, уларнинг ўлчамлари борасида ҳам айрим чалқашликлар борлиги эҳтимолдан холи эмас. Бироқ, XX-XXI асрда яшаган дарозларнинг бўй-бастиниқ кўрсатилганига шубҳа қилмас ҳам бўлади. Негаки, шифокорлар уларни синчиклаб, ҳар бир миллиметригача ўлчашган. Қолаверса, замонавий асбоб-ускуналар камдан-кам ҳолларда адашиши сир эмас.

Дарҳақиқат, ўтган асримизда ҳам дарозлар бўлган. Габриэл Эставао Монжани 1988 йили сайёрамизнинг ана шундай вакили сифатида ном қозонган. Мо-замбикада туғилган дарознинг бўйи 2 метру 45,7 сантиметр, вази эса 186,6 килограмм бўлган экан. Шунингдек, ту-



нислик Радхуан Чарбининг бўйи 2 метру 35 сантиметрге етган. Хитойлик Бао Сишунь эса Гиннеснинг рекордлар китобиға киритилган. У 2005, 2006, 2007 ва 2008 йилларда дунёнинг энг дароз кишиси дея тан олинган. Унинг ўлчамлари 2 метру 36 сантиметрники ташкил қилади. Баонинг айтишича, у болаликдан буйдор бўлмаган. 15 ёшга кирганида унинг бўйи 189 сантиметр атрофида эди. Фақат 16 ёшдан бошлаб у шиддат билан ўса бошлади. Бао баскетбол бўйича чемпион бўлиш орсусига эришолмагач, ҳозирда жонажон қишлоғида чўпонлик қилиб келмоқда. У 56 ёшга тўлган куни ўзидан 28 ёш кичик аёлға уйланиб, ундан ўғил кўришга ҳам улгурди.

2007 йили 37 ёшли украинлик Леонид Стадник расман дунёнинг энг дароз одами дея эътироф этилган эди. Ушундан унинг бўй ўлчамлари 2 метру 57 сантиметр дея қайд этилган. Бироқ, шундан кейин дароз рекордини янгилашни хоҳламади. Гап шундаки, Гиннес рекордлари китоби маъмурияти бўй ўлчаш борасида янги шартлар киритади. Унга кўра, мутахассислар Леониднинг бўйини кунига уч маҳал ўлчалари лозим эди. Табиийки, бу дарозға ёқмайди ва рекордсменлик рутбаси яна Бао Сишунинг қўлиға ўтади. Маълумки, кун давомида инсоннинг бўйи ҳам ўсади, ҳам чўқади. Масалан, эрталаб бўйимиз 1-3 сантиметргача, кечқурун эса яна шунча-

ға чўқиши кузатишган. Бу асосан умуртқа погонасининг жойлашуви билан боғлиқ жараёндир. Яъни, кўпчилигимиз эрталаблари тетик ҳолда уйғонамиз. Шунинг учунми, умуртқамиз текис ҳолға келади ва бўйимиз бироз чўзилгандек бўлади. Аксинча, кеч тушиши билан ҳорғинлик ва чарқоданми елкамизни ке-риб юролмаимиз. Натижада, бўйимиз чўқа бошлади. Айниқса, бу ҳолат ҳам-иша бучкайиб юрувчи инсонларда тезроқ билинади.

Яна дарозларға қайтсак. Тўғрироғи, буйдор аёллар ҳақида ҳам қисқача маълумот бериб ўтмоқчимиз. Дунёнинг энг дароз аёлларидан бири Сэнди Эллен Аллендир. У 1955 йили туғилган, ҳозирда Америкада истиқомат қилади. Аёлнинг бўйи 2 метру 31,7 сантиметр, вази 209,5 кило. Сезганингиздек, аёлнинг қадди-қомати нозиклиқдан анча йироқ. Оёқ кийими ҳам шунга яраша 50-размер. Таниқли баскетболчи Ульяна Семенова ҳам дарозликда ундан қолишмайди. Унинг бўйи 2 метру 13 сантиметр. Айтишларича, Ульянининг бўйи 7 ёшдан бошлаб ўса бошлади. 5-синфға ўтганида эса унинг бўйи 180 сантиметрге етган. Қизидан хавотирланган отаси шифокорларға мурожаат қилади. Бироқ, шифокорлар қизнинг сопа-соғлигини, унда бирорта ҳам ўзгариш йўқлигини айтишади. Ҳа, дарозлик кимға кўрк, кимға эса ҳавас, холюс.

# КЎЗГУ

## БЕЛЛАШУВ

Баркамол авлод тарбияси аввало, оиладан бошланади. Бунинг учун оилада соғлом муҳит шаклланган бўлиши муҳимдир. Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умум-башарият тарихида тутган ўрни, миқёси ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуқлигига боғлиқдир.

# Оилавий ансамбллар

## Республика кўрик-танловида беллашдилар

Жиззах шаҳридаги Юнус Ражабий номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театрида "Баркамол авлод йили"га бағишланган оилавий ансамблларнинг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари илмий методик ҳамда ахборот маркази, Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Махалла" ва Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари

бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, бадиий ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, ёшларимизнинг оилага, миллий қадриятларимизга бўлган муносабатларини шакллантириш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган оилавий ансамблларнинг фаолияти билан танишиш ва энг намунали оилавий ансамбллар ижодини кенг тарғиб этиш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 12 та оилавий ансамбль ўз дастурларини намойиш этди.

Кўрик-танловда олий ўрин Жиззах туманидан Ҳақимовлар оилавий ансамблига, биринчи ўрин Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридан Исмиёминовлар ҳамда Фарғона вилояти Кўккон шаҳридан Шерқўзиёвлар оилавий ансамблига, учта иккинчи ўрин Андижон вилояти Пахтабод туманидан Раҳмоновлар, Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидан Сирожидиновлар ва Қашқадарё вилояти Яқкабоғ туманидан Исоқовлар оилавий ансамбллари, учта учинчи ўрин Сурхондарё вилояти Бандихон туманидан "Охува" фольклор-этнографик оилавий ансамбли, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридан Отарбоевлар ҳамда Хоразм вилояти Янгиариқ туманидан Рўзиметовлар оилавий ансамбллари берилди. Шунингдек, Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси Жиззах вилоят бўлимининг фахрий ёрлиги ва совғаси билан "Энг кекса ижрочи" номинацияси бўйича Қашқадарё вилояти Яқкабоғ туманидан Исоқовлар оилавий ансамбли тақдирланди.

Икки кун давом этган беллашув — иккидўхиллиги Жиззах шаҳридаги маҳалла, ташкилот, корхона, ҳўжалиқлар аҳолиси ҳамда ўқув муассасалари талабалари томоша қилиб бордилар.

Оилавий ансамблларнинг Республика кўрик-танлови ғолиблари таъсисчиларнинг диплом, фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Мухтасархон КАРИМОВА

## ТАДБИР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Мутолаа — 2010" байрам тадбири бошланди.

## Мутолаа байрами — 2010

Аънавий ўтказиладиган китобхоналар байрами дастуридан ёш шoir ва ёзувчилар учрашуви, китоблар тақдими, семинар-тренинглар ўрин олган.

Тадбирда ёшлар орасида мутолаа маданиятини шакллантириш, наشريётчилик фаолиятини ривожлантириш, аҳолининг янги технологиялардан фойдаланишини янада ошириш каби долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. "Китоб билан олам мунаввар" китоб-расми кўргазмасида бадиий китоб, дарслик, журнал ва илмий-оммабоп асарлар тақдими ўтказилди.

Ўқувчининг биринчи дўсти китобдир, — дейди 142-мактаб тил ва адабиёт ўқитувчиси Матлуба Шораҳмедова. — Айниқса, ёшларнинг маънавий камолоти йўлида унинг ўрни беқиёсдир. Мазкур аънавий мутолаа байрами ҳам ўқувчилар учун муҳим тадбирлардан саналади. Бу ерда нафақат китоб ўқишга даъват қилинади, балки, турли-туман кўргазмали семинарлар ўтказилади.

Бу йилги мутолаа байрами доирасида "Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими электрон каталоги базасини шакллантириш" мавзусида Миллий кутубхонанинг электрон маълумотлар базаси ва электрон коллекцияси билан танишиш ҳамда каталоглаштириш бўйича методик қўлланма тақдими ҳам ташкил этилади. Бундан ташқари, "Ҳаёт ва адабиёт" мавзусида ёзувчилар ва шoirлар, адабий танқидчилар ҳамда китобхоналар учрашуви, "Мумтоз наволар сеҳри" мусиқий-бадиий кеча, "Заковат" — тафаккур маҳсули" интеллектуал ўйинлар ўтказилиши кўзда тутилган.

—Ушбу байрам баҳонасида кутубхона маъмурияти ва асосий бўлимлар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим, — дейди талаба Азизбек Амонов. — Кутубхонада китобхоналар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, ахборот-ресурс марказларига органида китобларни электрон каталоглар орқали излаб топish борасида ҳам қатор маълумотларга эга бўлдим ва мутахассислар маслаҳатини олдим.

## ТЕАТР

Ўзбек Миллий академик драма театрида ана шу мавзуда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

## Саҳнада — замонавий қаҳрамон образи

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, театр, кино ва мусика санъати соҳасидаги ижодий ташкилотларнинг вакиллари, ёзувчи ва шoirлар, драматурглар, режиссёрлар, олимлар, санъат йўналишидаги олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда бугунги театр ва ундаги қаҳрамонларнинг замонавий қиёфасини яратиш сингари масалалар муҳокама этилди.

Ёшларнинг юксак маънавиятли, теран тафаккурли, мустақил фикрга эга бўлишида театр санъатининг ўрни беқиёсдир. Шу боис, ёшлар қалбида эзгу ғояларни мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилувчи замонавий қаҳрамонлар образи тасвирланган саҳна асарларини яратиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳада изчил амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ҳар томонлама баркамол авлодни воёга етказиш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни янада ривожлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлашди.

Бундай хайрли ишлар жараёнида замонавий санъат саройлари, театрлар, маданият масканларини барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижодкорларнинг меҳнатини эъозлаш, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, юртимизда фаолият юритаётган театрлардаги ижодий-маърифий жараёни давр руҳи асосида ташкил этиш, томошабинларга мавзу ва жанр жиҳатдан ранг-баранг саҳна асарларини тақдим қилиш, ижод аҳлининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида тобланган фидойи замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий пухта асарлар яратиш ёзувчи ва драматурглар ҳамда театр ижодкорлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни самарали йўлга қўйишни талаб этади. Бу давлатимиз томонидан ижодкорлар учун яратилаётган кенг имконият ва қўлайликлардан оқилана фойдаланиш, етуқ асарларини саралаш, муаллифларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Анжуманда театрларимизда замонавий қаҳрамон образини яратиш бўйича олиб борилган ишлар, драматурглар ва режиссёрлар ҳамкорлиги, истиқболдаги режалар, драматург ва режиссёрлар тайёрлаш масалалари атрофича муҳокама қилинди.

"Туркистон-пресс"

## ҚУШЛАР ОЛАМИ

Қушлар учишга мослашган бўлса-да ерда ҳам, дарахтда ҳам яхши юра олади. Озуқага бўлган эҳтиёжи катта. Хавога кўтарилганда узок-яқиндаги нарсаларни яхши кўради ва йўл топа олади. Улар катта эстетик аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, зарарли ҳашоратларни еб қишлоқ хўжалигига фойда келтиради.

# Қанотли химоячилар



Дала чумчуғи ҳамма жойда ўтроқ холда яшайди. Бир куни жар ёқасида чумчуқларнинг бесаранжомлиги чирқиллаши диққат-эътиборимни тортди. Жарда бир талай инлар бўлиб, похол чиқиб турар, чумчуқ уясига чипор илон ўрмалаб келарди. Шунда ўнтача чумчуғи илон думидан ушлаб олганда танаси совуқ махлук ҳавода осилиб қолди. Олишув бир неча лаҳза давом этди. Охири талончи улар инига етиб боролмади.

Ҳар гал ботаётган қуёш нурлари уларнинг томи ва дарахт шохлари учига тушиб, жимирлаб жилва қилганда бойғўли инидан чиқади. Унинг думи калта, танасининг устки томони оч кўнгир тусда, бошида майда-майда холлари бор. Тумшуғи ва тирноқлари сариқ. Бойғўли кўпинча ғор ва қабристонларда бўлгани учун кишиларга сирли махлукдек кўриниб ҳурוףий кўркув уйғотиб келади. Аслида у тунда фаол ҳаракатланади, дала сичқо-

ни, сассиққўзан, қумсичқон каби кемирувчилар билан озиқланади.

Қанотлари ола-була, думининг бир қисми қизғин тусда бўлган қузилиш, тиниб-тинчимас қуш бўлиб, яққа холда яшашни хуш кўради. Ерга тушмай истар-истамас учиб юради. Бақувват тумшуғи билан чириган дарахт пустилогини тешиб, тағидаги ҳашорат ва личинкаларни бигизсимон ёпишқоқ тили билан чиқариб олади.

Ўтроқ холда қамишзорларда яшовчи малларанг, думи узун, чаққон ва серҳаракат қуш читтақ бир жойда тек турмайди. «Чув-чув» деб янғроқ овоз билан сайраб, овозининг жарангдорлиги бошқа ҳеч бир қушникига ўхшамайди.

Барча рангларда жилланувчи гўзаллик рамзи бўлган тустовуқлар ўсимликлардаги битларга қирон келтириши билан фойдали ҳисобланади. Чўғурчуқлар эса сўнгги ҳисоб-китобларга кўра анча камайиб кетган.

Юқорида номлари санаб ўтилган ана шу қушларни ҳар қандай йўллар билан ҳимоя қилсак арзийди.

Майна ўтган асрнинг 40-йилларида мамлакатимизга Афғонистондан келтирилган. Бошининг устки томони ва ёнлари ялтироқ кулранг, қанотлари билан думи оқ аралаш кўнгир кўри-нишдаги бу зарарқундалар дарахт қавақлари, томларнинг ораси ва ёриқ тирқишларига пат, кигиз, жун парчаларидан уя куради. Одамлар кўпинча уни зағизгон билан бир хил қуш деб ҳисоблашади. Фарқи шуки зағизгоннинг думи узун бўлади.

Сўнгги йилларда майналар сони кўпайиб кетганлиги учун думбул галла, узум ва хатто қовун-тарвузларга ҳам зарари етмоқда. Ҳозирда уларга қарши курашишда чора-тадбирлар кўриломоқда. Биргина Жиззах вилоятининг Зарбдор туман овчилар ва баликчилар жамияти раиси Ленур Николайчукнинг саъй-ҳаракати билан касб-хунар коллежлари ва мактаб ўқувчилари ўртасида майналарнинг зарари ҳақида тушултириш ишлари олиб борилмоқда.

Фаслар алмашинуви бошланиб, Тянь-Шань тоғи чўққиларидаги об-ҳаво ноқулай келганлиги сабабли жануб томон йўл олган ўрдақ ва ғозларнинг бир қисми қишда ўлкаимизда қолишларига тўғри келди. Уларни ўғринча ов қилувчилардан қўриқлаш ва қишли-қировли кунларда озуқалар билан парвариллаш нозирлар зиммасига оқлатилганди. Улар вақти-вақти билан туманнинг Тоғайтепа, Сутбулоқ, Шарқ юлдузи қишлоқлари ва Наврўз канал қирғоқларида рейд ўтказиб, бегона овчиларнинг масъумий йўлланма ва рухсатномалари бўлиши, аъзолик бадалларини тўлаб бориши ҳамда қуёш ботгандан сўнг ов қилиш таъқиқланишини назорат қилиб борадилар. Бунда нозирлардан ака-ука Тўшбек ва Қаршибой Ғозибеков ҳамда Игорь Самарқув фаоллик кўрсатишяпти.

Л.Николайчукнинг рейд ва текширувларда кўпинча «Нива» автомашинасида тунаб қолишига тўғри келади. Бу — унинг иккинчи ўйи ҳисобланади. «Лада» ва «Жучка» лақабли итлари ҳаммаша зийрак ва хушёр. Улар хавф-хатарни олдиндан сезади. Шунингдек, ботқоқлик ва тўқайзорларда қолиб кетган нимжон паррандаларни «Нива»сига келтиришни яхши ўзлаштириб олишган.

Теварак-атрофимиздаги қушлар ҳар доим беозор ҳаракатланишади. Рангларнинг ёрқинлиги уларни жалб қилиб дон ахтаришади. Уларга озиқ, дарахтларга эса фойдали қушлар зарур. Ҳа, қанотли химоячиларимиз ўз қўноқларидан махрум бўлишмиги учун бефарқ қараб турмаслигимиз керак.

Абдулла САЙДОВ, Жиззах вилояти

## ЎГИТ

Ўз хоҳиш-истакларининг чегарасини билмасликдан ортқ бахтсизлик бўлмайди.

Ғанимни тўғри баҳолай билмасликдан кўра оғирроқ кулфат йўқ.

## БИЛАСИЗМИ?

Гватемала жанубида археологлар бир неча тарихий топилмаларга дуч келишган. Жумладан, улар орасида нефрит тошидан ишланган керамик идишлар, турли маросимларда тақиладиган тақинчоқ ва никоблар бор.

Шу йилнинг бошида малайзиялик палеонтологлар тош асрида яшаган инсон суякларини топилган эди. Ута қадимий суяк қолдиқлари жануби-шарқий Осиёдаги энг йирик суяқий кўл Кеньёр қирғоғи атрофида жойлашган Беваху ғоридан топилган.

## ТУРФА ОЛАМ

# Ўғирланган буюмлар топилди

Испаниядаги антиквар буюмлар сотиладиган дўконларнинг бирида Мисрга тегишли тарихий артефактлар борлиги аён бўлган.

Ушбу буюмлар қадимий эканини фахмалган харидорлардан бири дарҳол Барселона полициясига муурожаат қилади. Текширув чоғида мутахассислар дўкондаги саккизта охактош ҳақиқатдан ҳам қадимий эканини тасдиқлашади. Уларнинг таъкидлашича, охактошлар эра-миздан аввалги III асрга тегишли бўлиб, уларда асосан иероглифлар тасвирланган экан. Полициячилар вақтида хабардор этилмаганида эҳтимол кимдир бу тарихий қийматга эга буюмларни арзимаган пулга сотиб олган ва аллақачон жуфтани ростлаган бўларди. Эслатиб ўтаемиз, Мисрнинг Саккара қишлоғи некрополидан топилган охактош намуналари 1999 йилги қазималар чоғида ўғирлаб кетилган эди.



## Фаройиб камера

Pentax (Япония) медиа-компанияси омма эътиборига сифатли суратга олиш имконини берувчи янги фото-видео камерани тақдим этди.

Манбада қайд этилишича, камера кўринишдан Lego ўйинчоғига ўхшаб кетаркан. Шу боис, уни бемалол болаларга соғаб қилиш мумкин экан. Бундай фото-аппарат болажонларга нафақат суратга олишни, балки мураккаб конструктор ўйинчоқ уларни йўлашга, қўллари ёрдамида тез-тез ҳаракат қилишга ўргатиши шубҳасиз. Ҳозирча мазкур фотоаппарат икки вариантда ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган. Рангли ва оқ-қора тусдаги фотоаппарат тўрт қатламли оптик "zoom"га эга бўлиб, умумий кенглиги 14,1 мегапикселни ташкил этаркан.



## 70 МИНГТА ЧИП

Куни кеча уч йиллик таъмирлаш ишларидан сўнг Ватиканнинг Апостол кутубхонаси ўз эшикларини очди.

Айтишларича, катта миқёсдаги таъмирлаш ишлари учун салкам 11,5 минг АҚШ доллари сарфланган. Кутубхона залларида энг замонавий совутиш ва иситиш тизими, сигналзация ҳамда қўриқлаш мосламалари ўрнатилган. Бугунги кунда Европадаги энг йирик кутубхонада жами бўлиб 150 мингта яқин нодир қўлёзма асарларни сақланади. Энг қизиги, кутубхона маъмурияти ўз фондидаги қўлёзма ва китобларга 70 мингта компьютер чипларини жойлаштирган. Бу қадар эҳтиёткорликка не ҳолат дейишимиз мумкин. Сабаби, 1987 йили кутубхонадан XIV асрга оид манускриптлар олиб чиқиб кетилган экан. Ҳа, озги куйган қатқини ҳам пуфлаб ичади, деб шунга айтишса керак-да.

Зафар МУҲАММАД тайёрлади



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девон компьютерларига "Антивирус" программасини ўрнатиш учун тендер эълон қилади.

**Муурожаат учун куйидаги рақамларга кўнғирок қилинг:**  
Тел: 239-45-77, 244-81-28.  
Факс: 239-45-53, 244-83-05.

ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси партия «Аёллар қаноти» етакчиси, «Оила» илмий-амалий маркази директори Валиева Каримовага турмуш ўртоғи

Шарифжон КАРИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Валижон Реймовга онаси

МАМЛАКАТ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.